



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013 yil 11 oktabr • №41 (4232)

ТОҒЛАР БАҒРИДА ЯШНАГАН БОҒЛАР

Қуёш заррин нурлари билан бутун борлиқни эгаллаган маҳал биз Паркентнинг Сўқоқ қишлоғига кириб бордик. Йўлнинг икки чеккаси боғлар ва тоқзорлар билан туташиб кетган. Тошкент вилоятининг Паркент тумани иқлими, гўзал табияти билан бошқа туманлардан фарқ қилади. Бир-бирига туташ Сўқоқ, Заркент ва Кумушқон қишлоқлари ўрқач-ўрқач тоғлар этагидидаги қир-адирларда жойлашган. Гарчи бу ернинг ҳавоси тоза, қуёш заррин нурларини мўл-кўл сочса-да, баланд-пастликлардан иборат ҳудудлар боғдорчилик, деҳқончилик ишлари учун боғбонлару деҳқонларга баъзи нуқулалликлар ҳам туғдиради. Аммо нисон қадами етган жой борки, гуллаб-яшнайд.

Фарҳоддек тоғни уриб талқон қиладиган, тош ёриб сув чиқарадиган меҳнатқаш халқимиз боғдорчиликнинг ҳадисини олган. Чўққили тоғлар, қир-адирлар бағридаги ям-яшил боғлар, арчазорлардан иборат ўрмонзор кўрган кўзни қувонтириб, бағрига чорлайди.

— Мана бу интенсив боғлар, янаги йил ҳосилга қиради, — дейди ҳамроҳларимиздан бири. — Тоқзорларни кўрайсизларми, бир ҳафта олдин келганингизда бу дала-лар кўм-кўк эди. Ҳосили йғиб олингач, тоқлар киш совуғидан асраниши учун йғилиб, енгилроқ қилиб "қумилмоқда".

Худди чизгич билан чизилгандек бир текис узумзорлардаги ток барглари сизни олқишлаб кутиб олаётгандек чапак чалади. Барглар орасига яширинган узум бошлари япроқлар қимирлаган сари олтиндек товланиб кўзни олади. Ана бир шингил узум бандига осилиб, оғирлигидан ерга тегай-тегай деб турибди. Узумнинг ушбу ҳолати гўё бир ховуч дурга ўхшайди. Шу топ беихтиёр шоирнинг: "Асл узум ҳар донаси —

қанду асалнинг онаси!", деган мисралари ҳаёлингиздан ўтади. Узумзор атрофига қатор қилиб беҳи дарахтлари экилган. Ҳар бири пиёладек келадиган беҳилар йўлингизга кўз тикиб сарғайиб тургандек.

Заркент қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Саъдулла Раҷаматов" фермер хўжалигига кириб борар эканмиз, тоғ йўлларидида велосипогага чиққан хорижлик меҳмонлар ўзбек ва инглиз тилларида салом беришарди.

— Биз учун чет эликларнинг бундай сайру саёҳати оддий ҳол, — дейди бизга ҳамроҳ бўлган паркентлик Сирожиддин исми йиғит — Улар бошида бизнинг ҳар қадамда салом беришимизга ажабланишади. Кейин ўзлари ҳам салом бермасдан ўтиб кетишолмайдиган бўп қолишади. Яна соф ўзбек тилида-я. Қолаверса, хорижлик меҳмонлар юртимиз тинч бўлгани учун ҳам худди ўз юртида юргандек эмин-эркин сайру саёҳатга келишади.

Ватан учун яшайлик!

Давоми иккинчи саҳифада.

"XX АСР ОЗАРБАЙЖОН ШЕЪРИЯТИ АНТОЛОГИЯСИ"

Ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги асрлар мобайнида бардавом бўлиб келган ўзаро маданий алоқалар мамлакатларимиз мустақилликка эришгач янги босқичга кўтарилди. Адибларимиз, олимларимиз, адабиётшунослари мизнинг

Ходий, Самад Вурғун, Сулаймон Рустам, Расул Ризо, Наби Ҳазрий, Бахтиёр Ваҳобзода сингари катта авлод вакиллари ижодидан намуналар киритилган. Бу шеърларнинг аксарияти ўтган асрдаёқ Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Шухрат, Зулфия, Жуманиёз Жабборов, Рауф Парфи сингари ҳассос шоирларимиз томонидан таржима қилинган. XX аср озарбайжон шеърятининг кейинги авлодларига мансуб шоирлар

Али Карим, Халил Ризо, Жобир Наврўз, Воқиф Самад, шунингдек, кенжа авлод шоирларидан Рамиз Равшан, Оғамали Содик, Элчин Искандарзода ва бошқа кўплаб навқирон ижодкорлар асарлари Миразиз Аъзам, Носир Мухаммад, Файзи Шохисмоил, Тоҳир Қаҳҳор, Усмон Кўчқор, Хосият Рустамова томонидан ўзбекчалаштирилган.

"XX аср озарбайжон шеърятини антологияси" ўзбек китобхонида ўтган аср озар поэзияси ҳақида кўламли, тиниқ ва бой таассурот қолдиради. Адибларимизнинг ҳозирги авлодлари ўртасида ижодий ҳамкорлик янги ўзанларда давом этаётганининг амалий самараси сифатида ушбу мажмуа асарларимизни янада яқинлаштиришга, адабиётларимизни ўзаро бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ушбу китобнинг тўловчиси Бобоҳон Мухаммад Шариф тўпламга кириш сўзи ҳам ёзган. Нашр масъул муҳаррири Азиз Саидов.



Доимий ҳамроҳ

ҳамкорликлари бугун ҳар қаҳонгидан-да изчил ва самаралидир. Истиқлол даври икки қардош халқ ижодкорларининг адабий алоқалари кучайиши учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очиб берди. Буни, аввало, улуғ шоирларимизга билдирилаётган юксак ҳурмат-эҳтиромда кўриш мумкин.

Чунинчи, Тошкентда озарбайжон адабиёти классиги Низомий Ганжавийга, Бокуда буюк ўзбек шоири Алишер Навоийга ўрнатилган ёдгорликлар илдирилариимизнинг нақадар теран эканлигидан далолатдир. Ордан ўтган асрлар бу қардошлик, дўстлик ришталари гоятда мустақкам эканини кўп бора тасдиқлаганига тарихнинг ўзи гувоҳ. Озарбайжонда чоп этилган ўзбек адиблари антологияси адабий алоқаларимиз бардавомлигини намойён этаётганидан хабардорсиз. Яқинда "Турон-икбол" нашриёти томонидан "XX аср озарбайжон шеърятини антологияси" босмадан чиқарилди. Мажмуага атоқли озар шоирлари Собир, Али Назмий, Мухаммад

ЭРТАКЛАР САРОЙИ



Пойтахтимиз марказида

гаройиб фаворали, шарқ эртақларидаги шаҳарчани эслатувчи ажойиб санъат саройи бор. Ўзбекистон замонавий мейморий санъати дурдоналаридан бири бўлган бу эртақнамо саройда республика Кўғирчоқ театри жойлашган.

Кўғирчоқ театри мазмун-моҳиятига кўра ҳақиқий оилавий театр бўлиб, болалар бу ерга ота-оналари, бобо-бувилари, ака-опалари ҳамроҳлигида келадилар. Кичкинтойлар бу даргоҳда намойиш этиладиган спектакллар орқали ҳаётларида илк бор яхшилиқ ва ёмонлик, гўзаллик ва бадхулқлик каби тушунчалардан сабоқ оладилар.



Юртимизнинг кекса санъат даргоҳларидан бири бўлган театр навбатдаги мавсумини Динара Йўлдошеванинг "Кувноқ томоша" спектакли билан очди. Шу кунги болалар кувноқ ўйинлардан, кўшиқ ва рақслардан баҳраманд бўлдилар. Кўғирчоқлар, бадий эскизлар ва кичкинтойлар ижоди намойиш этилган кўргазмаларни томоша қилдилар.

Кўғирчоқ театри жамоаси навбатдаги "Theatr.uz" халқаро фестивалида "Яна Андерсен" (Г.Х.Андерсеннинг "Гугурт ушлаган қиз" эртаги асосида) спектакли билан иштирок этишни режалаштирмоқда. Шунингдек, жамоа айни кунларда Хоразмда бўлиб ўтадиган республика кўғирчоқ театрлари фестивалига қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

Болалар театрида севимли эртақлар қаҳрамонлари билан учрашиш кичкинтойларга чексиз қувонч бағишлайди. Шу йил охиригача саҳнага кўйиладиган "Дюмчахон", "Кўёшжон ва қор одамчалар" томошалари болаларга яхши совға бўлади. Театр ижодкорлари ўзбек халқ дostonлари ва эртақлари асосида ҳам спектакллар яратмоқда. Репертуардан мустақкам ўрин олган бундай томошалар орасида "Фотиманинг саргузаштлари" (Н.Ҳабибуллаев), "Бувимнинг кўғирчоғи" (Э.Хушвақтов), "Семур" (Зулфия), "Баҳромнинг мероси" (Э.Успенский), "Эх, бу Хўжа Насриддин" (Д.Йўлдошева) спектакллари эътиборга лойиқ.

Шаҳноза МАЖИДОВА

ДУНЁ БИЛАН ҲАМНАФАС

Инсоннинг ўзини англаши ва англатиши тил орқали амалга ошганидек, кишиларнинг миллат сифатида бирикуви, халқ сифатида шаклланиб, дунёда ўз ўрнига эга бўлишида ҳам тил етакчи маънавий ва руҳий омил саналади. Жаҳон халқлари тиллари орасида ўзига хос мавқега эга бўлган ўзбек тили дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшгани тарихдан маълум. Чунинчи, "Алпомиш"дек буюк эпосни берган, "Ҳамса"дек муаззам бадий обиди яратилган ўзбек тили инсоният маданияти, бадий тафаккури миқёсларини бор бутунича қамраб олишга қодир тиллар сирасидандир.

Биз ҳар йили она тилимизга давлат тили мақоми берилганини қувонч билан нишонлаймиз. Зотан, бу шодиёна халқимиз бирлиги ва бирдамлиги, озодлигимизнинг олий тисоли бўлиши она тилимиз тантанаси нишонасидир.

Бу кутлуг кун арафасида муҳбиримиз атоқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Абдузўхур АБДУАЗИЗОВ билан учрашиб суҳбатлашди.

— Ҳар бир халқ ҳаётида, ҳар

21 октябр — "Давлат тили ҳақида"га қонун қабул қилинган кун

бир давлат тараққиётида тилнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс аҳамиятга эга. Зеро, миллатнинг тили унинг ўзи каби бетакрор ҳазина. Хусусан, бизнинг она тилимиз ҳам даҳо шоири-мизи ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганда "мамлакатни яққалам" қилган — туркий қавмлар ва элатларни бирлаштирган қудратли куч бўлгани тарихдан маълум.

Бироқ ўтган асрда, аниқроғи, мустамакка шароитида ўзбек тили равнақиға кўйилган тўсиқлар ўзидан асоратлар қолдиргани ҳам сир эмас. Не бахти, халқимиз хоҳиш-иродаси, Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг ҳам равнақ топаётган, уларни ҳам ўз ўрнида қўллаш мумкинлиги "Давлат тили ҳақида"ги қонуни-мизда мустақкамлаб кўйилган.

Мустабид шўро мафқурасининг адолатсиз сиёсати оқибат

тида миллий ва расмий мавқеидан маҳрум этилган она тилимиз эндиликда эркин ва мустақил тарзда ривожланиб бормоқда. Унинг янада бойиб, фаолият кўлами кенгайиши учун барча зарур шароитлар яратилди. Эндиликда давлат ва жамоат идораларида иш юритиш, ҳужжатлар тайёрлаш, ариза ва тақлифлар қабул қилиш, турли мажлислар, илмий ва амалий анжуманлар

давлат тилида олиб борилмоқда. Ватанимиз ўзининг валютаси — сўми, почта маркалари ва лотереясини ўзбек тилида чоп этмоқда. Юртимизда яшайтган бошқа миллат вакилларининг тиллари ҳам равнақ топаётган, уларни ҳам ўз ўрнида қўллаш мумкинлиги "Давлат тили ҳақида"ги қонуни-мизда мустақкамлаб кўйилган.

Давоми учинчи саҳифада.

УСТОЗЛАР ИБРАТИ

Энг яхши каломлардан бири бу — кимдандир миннатдор бўлиш, кимгадир чин дилдан раҳмат айтиш бўлса керак. Ўқувчилик йилларимда отам ёки онам мактабдаги мажлисга борадиган бўлса, уларнинг йўлини ҳам ҳадик, ҳам қувонч билан пойлардим. Ота-онам кўпинча уйга хурсанд ҳолда кириб келишаркан: "Балли она қизим, хулқинг ва яхши ўқийтганинг учун ўқитувчиларинг бизга раҳмат айтишди", дея пешанамдан ўпиб қўйишарди. Ушбу лаҳзаларда мен ота-онамдан эшитган миннатдорлик сўзлари учун қанчалар хурсанд бўлган бўлсам, ота-онам ҳам менадан фахрланган бўлишлари табиий. Уша миннатдорлик тўла сеҳрли сўзлар бизларни яна ва яна ўқиб-изланишга, ўз устимизда ишлашга даъват қилган бўлса ажаб эмас. Ҳаётим давомида англаганларимдан бири шу бўлдики, биргина ташаккур, раҳмат сўзи инсонга қанот ва ҳузур бағишларкан. Аммо эндиликда эшитаятган раҳматларим ёки бировга билдираётган миннатдорликларим негадир устозларимнинг ота-онамга айтган ва мен ота-онамдан эшитган раҳматларимдек сеҳрли эмас.

Баъзан ўйлайман: менинг шу даражада етишимизда мактабда, университетда ўқитган устозларимнинг катта ҳиссаси бор. Уларга чин дилдан миннатдорлик билдириб қўёлдимми?

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Давоми иккинчи саҳифада.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида шу йил 17 октябр, пайшанба кунин соат 11.00да Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган санага бағишлаб "Она тили — миллатнинг руҳи" мавзунда адабий анжуман ҳамда мушоира ўтказилади.

Анжуманга шоирлар, адиблар, адабиётшунос олимлар, талаба-ёшлар ва барча қизиққанлар тақлиф этилади.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Узумзорга кириб борганимизда, фермер Саъдулла ака Раҷаматов бизга пешвоз чиқиб, ҳамроҳларим билан худди эски қадрдонлардек қуюқ сўради.

— Боғингизни кўришга Тошкентдан меҳмонлар келишиди. Газетага олтин куз, тилларанг узумлар ҳақида мақола ёзишмоқчи, — деди ҳамроҳларимдан бири қаҳрамонимизнинг кўлини сиқиб кўришаркан. — Бу атрофда энг илгор фермер ким десак, сизни тавсия қилишиди.

ТОҒЛАР БАҒРИДА

— Йўқлаганларингиз зап яхши-да, бугун телевидениедан ҳам келиб, кўрсатув тайёрлаб кетишиди. Хар хил ҳолатда суратга олишиди. Қани, сизларни нима қизиқтиради, бажонидил жавоб берман. Ахир, интервью бериш бўйича анча тажриба ортирдим.

Кувноқ, киришимли қаҳрамонимизнинг бу гапидан ҳаммамиз кулиб юбордик.

— Мана, кўриб турганингиздек, тоифи узумларнинг айна терим пайти. 7 ярим гектар тоқзоримизнинг 3 ярим гектари ҳосилли, 4 гектари ҳали ҳосилга кирмаган, яъни тоқ кўчатлари янги экилган. 14 гектар ерга лалми галла эккандик. Режани ортиги билан баҳардик. Аммо Юртбошимизнинг бу йил узумчиликни янада ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарори туфайли келгуси йил галла ўрнини ҳам тоқзор қилмоқчимиз. Хар гектардан 18-20 тоннагача узум ҳосили оламиз. Бу бир йиллик даромадимиз 20-30 миллион сўм дегани. 14 нафар ишчини маош билан таъминлаш, узумзорни ўғитлаш, агротехник тадбирларни амалга ошириш ўзимизнинг зиммамизда. Хосил етилган, аввало, юртимиз бозорларини узум билан таъминлаймиш, ортганини экспортга чиқарамиз. Булар экспортбоп узумлар-да. Баъзи узумлар жуда сувли бўлса-да ширали бўлмайди. Тоифи узум узилгандан кейин ҳам кўтилларда бир ойгача сақланади.

— Узумчилик соҳасида энг қийин палла қайси пайт, — лўкма ташлайди, ҳайдовчимиз.

— Боғбону деҳқон учун йилнинг ҳамма вақти машаққатли бўлади. Кимки қийинчиликка чидаб, меҳнатдан қочмас, албатта, роҳатини кўради. Узумчиликда энг қийин давр хомтоқ қилиш. Апрель-май ойларида биринчи хомтоқни қиламиз. Иккинчи хомтоқ эса июнда. Хомтоқ қилишдан мақсад ҳосилга ҳосил қилиш.

— Узумдан татиб кўрингизлар, — деди бир боши кичикроқ челадек келадиган узумни патнисга қўйиб чиқаркан Саъдулла ақанинг турмуш ўртоғи Шоҳида она Раҷаматова. — Меҳмон отангдан улуг. Шоиримиз айтади-ку: **Ушунга — кўнглининг тубидаги дур, Табассум — юракнинг юзидаги нур, Дийдор саодати бахш этсин сурур, Бизни хуш кўрганлар хушват бўлсинлар...** — Сиз шеърингизга қизиқасизми? — деб сўрайман Шоҳида онадан.

— Бўлмасам-чи, — дейди она рўмонли бошга қайтадан тангиб ўраркан. — Мана бу шийпонда ҳордиқ пайти газета, журнал, китоб ўқийман.

Шоҳида онанинг берилиб шеър айтганини кўриб, Паркентда таниқли ижодкорларлар кўпчилиги сабабини англагандай бўламан. Оддий соҳибқордан тортиб боғбонгача ўз юртдан чиққан шоирини ардоқлаб, шеърларини, ёзган асарларини кўлдан қўймай ўқишининг сабаби хар бирининг юрагида ижод завқи, қалбиде шавқ ўти борлигида. Зеро, хув нарироқда ям-яшил арчазордан иборат ўрмон, тоза ҳаво, сўлим боғлар, зилол сувли чашма, буларнинг барча-барчаси шоир айтганидек, кўнгилларга ифтихор бағишлайди.

Шоҳида она узатган узум доналари-

ни татиб кўрарканмиз, хар томондан "оҳ-оҳ мазасини", "тилни ярадия", деган мақтовлар эшитилади. Бежиз жаннатмақон юртимизда етиштирилган олмаю анорнинг, қовун-тарвузнинг овозаси етти иқлимга етмаган. Бобуқўёшнинг саховатига эш бўлган боғбону соҳибқорнинг меҳнати, пешона тери эвазига болга айланган ушбу мевалар бугун халқимиз турмушини фаровон, дастурхонини тўкин қилмоқда.

Шу йил сентябр ойи бошларида Украинанинг Симферопол шаҳрида ўтказилган "Олтинrang узум бошлари — 2013" халқаро кўргазмасида Ўзбекистон



узумлари олтин кубокка эга бўлди. Бу хушхабарни эшитган хар бир юртдошимиз кўз олдидан беихтиёр олтиндек товланиб турган ҳусайни, чарос, киши, буваки, яна ҳатто кўшни мамлакатларда ҳам номи машҳур Ризамат ота каби болдек ширин сархил узумлар бир-бир ўтган бўлса ажаб эмас. Мен ҳам бешинчи мартаба ўтказилган ушбу форум ҳақида кенгроқ маълумотга, умуман, республикамизда узум етиштириш, уни қайта ишлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилатганини билиш мақсадида "Ўзвино-саноат-холдинг" компанияси "Ўзумша-робсервис" унитар корхонаси директори Адиба Аҳмаджонованинг хузурига шошилдим.

Адиба она мени илқил қарши оларкан, бир пайтлар маънавият соҳасида фаолият юритганини, ўзи ҳам унча-унча ижод қилиб туришини таъкидлаб ўтди. "Газеталарингизнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган бўлса, мақолани биз яратётган боғу роғлар ижодкорларга катта илҳом ва завқ беришини ёзиш ҳам эсингиздан чиқмасин", деб қўйди. Хуллас, она билан тез тил топишдик. Ўзбекистон узумларини элтишим билан Адиба она:

— Украина, Россия, Туркия, Швеция, Голландия, Австрия, Молдавия каби ривожланган мамлакатлар қатнашган ушбу кўргазмада юртимиз узумларининг юқори баҳоламини хар биримизда фахр-ифтихор уйғотди, — деди қувончини яширолмади. — Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларида етиштирилган 17 турдаги "Оқ ҳусайни", "Келин бармоқ", "Андижон қора", "Кетмон сопи", "Ризамат ота", "Нимранг кишими" каби узум навларимиз болдек ширинлиги, олтиндек товланиши билан 200 дан ортиқ узум навлари орасида "мен Ўзбекистон деган жаннатмақон юртданман", дегандек ажралиб турибди-да. Мақтаншига йўймаг-у шу кунгача ўтказилган кўрик-танловларда бизнинг компания корхоналари 3 та гран при, 42 та олтин ва бир неча кумуш, бронза медалларига, сертификатларига эга бўлди.

— Узум органик кислоталар, глюкоза, пектин, ошловчи моддаларга бой мева. Аммо уни қайта ишлаб хилма хил маҳсулотга айлантириш мумкин...

— Агар баҳарингиз бўлса, узумнинг 40 дан ортиқ нави давлат реестридан ўтказилган, сизни гарчи фактлар билан бироз зериктирсамда, бу жуда

лашга улгуради. Ҳали эл-юрта кўп фойдаси тегиши мумкин, — дебди.

Ўз навбатида шоғирд ҳам: — Йўқ, олампадох, мен гўрлик ва қизиқонлик қилиб хато қилдим. Мени жазоланг. Устозимнинг ҳали одамларга кўп ёрдами тегади. Қанчадан-қанча шоғирдларга таълим-тарбия берган устозимнинг ўрнига ҳам мени жазоланг, — дебди.

Падшоҳ устоз-шоғирднинг бир-бирига садқоқатини ва эътиқодини кўриб, жазолани бекор қилган экан.

Талабалиқни тутатиб, катта ҳаётга қадам қўяр эканмиз, устозларимиздан бири айтган гап сира ёдимдан чиқмайди: "Бугундан катта ҳаёт вақилисизлар. Қай даргоҳ эшигини очманг, бизнинг юзимизсизлар. Қилган хатоларингиз ва ноўрин хатти-ҳаракатларингиз ортидан келадиган ёмонликнинг бир учи устозларга ҳам тегишли бўлади. Билиб қўйинг, қўлингизни эгриликка бурсангиз, қаршингизда мен турган бўламан.

муҳим, дея қўшиб қўйди Адиба она. — Қайта ишлаш корхоналари тасарруфидаги тоқзорлар 2,9 минг гектардан 4,3 минг гектарга етди.

— Яқинда Паркентда бўлганимда, тоғолди худудларда ҳам катта-катта тоқзорлар барпо қилинганини кўриб, очиги, ҳавасим келди. Узумларининг ширинлигини, серҳосиллигини айтмайсизми?

— Таърифламасангиз ҳам биламан, — дея суҳбатни давом эттирди ҳамсуҳбатим, — борганман, кўрганман, баргидан меваси кўп, хар бир боши 2-3 кило келадиган. Шунинг учун ҳам Паркент туманининг тоғолди худудлари "Сўқоқ" агрофирмасидаги "Сўқоқ Абдулхамид", "Заркент Холмат" ва "Норчонтол" фермер хўжалиқларининг тажрибалари мисолида компания томонидан Жиззах вилоятининг тоғолди

хоналарда яканга тизиб қўямиз. 30-40 кундан кейин териб оламиз. Мана шу 20 сўтих узумзорнинг орқасидан фарзандларимни институтларда шартнома асосида ўқитдим, икки йил олдин ўғил уйлантирдим...

Дарҳақиқат, узумчилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалиқининг муҳим даромадли тармоқларидан ҳисобланади. Узумнинг майиз қилиб қуритилгани, дармондориларга бой мусалласлари бугун Ҳамдўстлик мамлакатларида жуда харидордир. Қўшни Қозоғистон, Россия, Латвия, ҳатто Хитой бугун доимий истеъмолчиларимизга айланган. Маҳсулотларимизнинг 22 давлатга экспорт қилинаётганининг ўзидек узумчиликнинг нақадар истиқболли эканлидан далолатдир.

Аммо узумни етиштириш, қуритиш ва апрел-май ойигача сақлаш, уни қайта ишлаш соҳибқор ва деҳқондан катта тажриба талаб қилади. Масалан, узумнинг кишимиш навлари таркибидаги қанд моддаси 23-25 фоизгача, бошқа навларда эса 23 фоизга етганда узилади. Узумни қуритишнинг "сояки" усули Қашқадарь вилоятининг тоғолди ва тоғли Китоб-Шахрисабз худудиде қадимдан кенг тарқалган. Унинг моҳияти шундаки, юқорида айтилганидек узум сояда, яъни шамол эсадиган ерларга қурилган маҳсус хоналарда қуритилади.

"Сояки" усулда қуритилган маҳсулотларимиз, яъни майизларимиз бошқа усулда қуритилган майизларга нисбатан кўриниши, сифати ва мазаси билан фарқланади ва юқори баҳоланади.

Ҳатто сояки майизларимиз Германиянинг Эрфут шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмаларда бир неча бор олтин медалга сазовор бўлган.

Тошкент вилояти ва Фарғона водийсидаги узумчилик хўжалиқларида асосан хўраки узум етиштирилса, Зарафшон, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида асосан кишимиш ва майизбоп хўраки узум навлари етиштирилади.

Ҳозир Ўзбекистонда хўраки ва кишимишнинг Қора халилий, Чарос, Ҳусайни, Венгрия мускати, Александрия мускати, Оқ вассарга, Қора жанжал, Султони, Нимранг, Пушти Паркенти, Юмалоқ, Каттақўрғон, Ўзбекистон мускати, Пушти тоифи, Жўра узум, Зарафшон кишимиши, Гўзал қора, Андижон қораси, Қора қалтак, Тана кўзи каби навлар етиштирилмоқда.

Винобоп навлардан Бахтиёри, Пушти мускат, Рислинг, Алеатико, Тарнов, Сояки, Асил қора, Бишти, Венгрия мускати каби узумлардан қайта ишлаш натижасида юқори сифатли шароблар, шампан, қояк ва шарбатлар тайёрланмоқда. Узум турпидан спирт, вино кислотаси, танин моддаси, уруғидан узум мойи, бўёқ моддалари олинмоқда.

— Узум пишгандан бошлаб бозорга олиб чиқиб сотамиз. Қолганини игпа илиб қўйиб январгача сақлаймиш, майиз қиламиш, — дейди ола суҳбатларимизнинг бирида.

— Нима учун узумларни шингилида сўлитасиз, уларни алоҳида териб майиз қилса бўлмайди, — дейман мен хар бири чақалоқ чимчилогидек келадиган юмшоқ майизларни ушлаб кўрганча.

— Узум етиштириш билан шуғуллана бошлаган, зарур маълумотларни ўрганиб чиқдим. Узумнинг ўзида 23-25 фоиз қанд бўларкан, агар уни тупида сўлитилса, 40-50 фоизга глюкозаси кўпаяркан.

— Узумни халқона қуритишнинг қандай усуллари бор?

— Узумнинг "сояки", "кунаки" усулда қуритилишини биламан. Биз кўпроқ сояки майиз қиламиш. Яъни, узумлар яхши пишиб етилгандан сўнг хар томонидан шамол эсиб турадиган

хоналарда яканга тизиб қўямиз. 30-40 кундан кейин териб оламиз. Мана шу 20 сўтих узумзорнинг орқасидан фарзандларимни институтларда шартнома асосида ўқитдим, икки йил олдин ўғил уйлантирдим...

Дарҳақиқат, узумчилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалиқининг муҳим даромадли тармоқларидан ҳисобланади. Узумнинг майиз қилиб қуритилгани, дармондориларга бой мусалласлари бугун Ҳамдўстлик мамлакатларида жуда харидордир. Қўшни Қозоғистон, Россия, Латвия, ҳатто Хитой бугун доимий истеъмолчиларимизга айланган. Маҳсулотларимизнинг 22 давлатга экспорт қилинаётганининг ўзидек узумчиликнинг нақадар истиқболли эканлидан далолатдир.

Аммо узумни етиштириш, қуритиш ва апрел-май ойигача сақлаш, уни қайта ишлаш соҳибқор ва деҳқондан катта тажриба талаб қилади. Масалан, узумнинг кишимиш навлари таркибидаги қанд моддаси 23-25 фоизгача, бошқа навларда эса 23 фоизга етганда узилади. Узумни қуритишнинг "сояки" усули Қашқадарь вилоятининг тоғолди ва тоғли Китоб-Шахрисабз худудиде қадимдан кенг тарқалган. Унинг моҳияти шундаки, юқорида айтилганидек узум сояда, яъни шамол эсадиган ерларга қурилган маҳсус хоналарда қуритилади.

"Сояки" усулда қуритилган маҳсулотларимиз, яъни майизларимиз бошқа усулда қуритилган майизларга нисбатан кўриниши, сифати ва мазаси билан фарқланади ва юқори баҳоланади.

Ҳатто сояки майизларимиз Германиянинг Эрфут шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмаларда бир неча бор олтин медалга сазовор бўлган.

Тошкент вилояти ва Фарғона водийсидаги узумчилик хўжалиқларида асосан хўраки узум етиштирилса, Зарафшон, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида асосан кишимиш ва майизбоп хўраки узум навлари етиштирилади.

Ҳозир Ўзбекистонда хўраки ва кишимишнинг Қора халилий, Чарос, Ҳусайни, Венгрия мускати, Александрия мускати, Оқ вассарга, Қора жанжал, Султони, Нимранг, Пушти Паркенти, Юмалоқ, Каттақўрғон, Ўзбекистон мускати, Пушти тоифи, Жўра узум, Зарафшон кишимиши, Гўзал қора, Андижон қораси, Қора қалтак, Тана кўзи каби навлар етиштирилмоқда.

Винобоп навлардан Бахтиёри, Пушти мускат, Рислинг, Алеатико, Тарнов, Сояки, Асил қора, Бишти, Венгрия мускати каби узумлардан қайта ишлаш натижасида юқори сифатли шароблар, шампан, қояк ва шарбатлар тайёрланмоқда. Узум турпидан спирт, вино кислотаси, танин моддаси, уруғидан узум мойи, бўёқ моддалари олинмоқда.

— Узум пишгандан бошлаб бозорга олиб чиқиб сотамиз. Қолганини игпа илиб қўйиб январгача сақлаймиш, майиз қиламиш, — дейди ола суҳбатларимизнинг бирида.

— Нима учун узумларни шингилида сўлитасиз, уларни алоҳида териб майиз қилса бўлмайди, — дейман мен хар бири чақалоқ чимчилогидек келадиган юмшоқ майизларни ушлаб кўрганча.

— Узум етиштириш билан шуғуллана бошлаган, зарур маълумотларни ўрганиб чиқдим. Узумнинг ўзида 23-25 фоиз қанд бўларкан, агар уни тупида сўлитилса, 40-50 фоизга глюкозаси кўпаяркан.

— Узумни халқона қуритишнинг қандай усуллари бор?

— Узумнинг "сояки", "кунаки" усулда қуритилишини биламан. Биз кўпроқ сояки майиз қиламиш. Яъни, узумлар яхши пишиб етилгандан сўнг хар томонидан шамол эсиб турадиган

хоналарда яканга тизиб қўямиз. 30-40 кундан кейин териб оламиз. Мана шу 20 сўтих узумзорнинг орқасидан фарзандларимни институтларда шартнома асосида ўқитдим, икки йил олдин ўғил уйлантирдим...

Дарҳақиқат, узумчилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалиқининг муҳим даромадли тармоқларидан ҳисобланади. Узумнинг майиз қилиб қуритилгани, дармондориларга бой мусалласлари бугун Ҳамдўстлик мамлакатларида жуда харидордир. Қўшни Қозоғистон, Россия, Латвия, ҳатто Хитой бугун доимий истеъмолчиларимизга айланган. Маҳсулотларимизнинг 22 давлатга экспорт қилинаётганининг ўзидек узумчиликнинг нақадар истиқболли эканлидан далолатдир.

Аммо узумни етиштириш, қуритиш ва апрел-май ойигача сақлаш, уни қайта ишлаш соҳибқор ва деҳқондан катта тажриба талаб қилади. Масалан, узумнинг кишимиш навлари таркибидаги қанд моддаси 23-25 фоизгача, бошқа навларда эса 23 фоизга етганда узилади. Узумни қуритишнинг "сояки" усули Қашқадарь вилоятининг тоғолди ва тоғли Китоб-Шахрисабз худудиде қадимдан кенг тарқалган. Унинг моҳияти шундаки, юқорида айтилганидек узум сояда, яъни шамол эсадиган ерларга қурилган маҳсус хоналарда қуритилади.

"Сояки" усулда қуритилган маҳсулотларимиз, яъни майизларимиз бошқа усулда қуритилган майизларга нисбатан кўриниши, сифати ва мазаси билан фарқланади ва юқори баҳоланади.

Ҳатто сояки майизларимиз Германиянинг Эрфут шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмаларда бир неча бор олтин медалга сазовор бўлган.

Тошкент вилояти ва Фарғона водийсидаги узумчилик хўжалиқларида асосан хўраки узум етиштирилса, Зарафшон, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида асосан кишимиш ва майизбоп хўраки узум навлари етиштирилади.

Ҳозир Ўзбекистонда хўраки ва кишимишнинг Қора халилий, Чарос, Ҳусайни, Венгрия мускати, Александрия мускати, Оқ вассарга, Қора жанжал, Султони, Нимранг, Пушти Паркенти, Юмалоқ, Каттақўрғон, Ўзбекистон мускати, Пушти тоифи, Жўра узум, Зарафшон кишимиши, Гўзал қора, Андижон қораси, Қора қалтак, Тана кўзи каби навлар етиштирилмоқда.

Винобоп навлардан Бахтиёри, Пушти мускат, Рислинг, Алеатико, Тарнов, Сояки, Асил қора, Бишти, Венгрия мускати каби узумлардан қайта ишлаш натижасида юқори сифатли шароблар, шампан, қояк ва шарбатлар тайёрланмоқда. Узум турпидан спирт, вино кислотаси, танин моддаси, уруғидан узум мойи, бўёқ моддалари олинмоқда.

— Узум пишгандан бошлаб бозорга олиб чиқиб сотамиз. Қолганини игпа илиб қўйиб январгача сақлаймиш, майиз қиламиш, — дейди ола суҳбатларимизнинг бирида.

Академик Алибек РУСТАМОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолука учради. Атоқли тилшунос ва адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, академик Алибек Рустамов 82 ёшида вафот этди.

А.Рустамов 1931 йили Тошкент вилоятида хизматчи оиласида туғилди. 1955 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факултетини тамомлади.

Бўлгуси олим ўз меҳнат фаолиятини 1955 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида илмий ходим сифатида бошлади, дастлаб номзодлик, кейинчалик эса докторлик диссертациясини химоя қилди. Ўзбек тили ва адабиётини хар томонлама ўрганиш ва тадқиқ этиш борасидаги илмий фаолияти учун 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

А.Рустамов ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий котиби, Ўзбекистон Миллий университети доценти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг кафедра мудири ва профессори каби вазифаларда самарали меҳнат қилиб, илм-фанимизни ривожлантириш, юксак малакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Таниқли олимнинг ўзбек филологияси, шарқшунослик, матншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб масалаларига оид монография ва рисоалари, кўплаб илмий-публицистик мақолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум. Айниқса, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, унинг ижодидаги юксак гуманистик гоиларни эл-юртимиз ўртасида кенг тарғиб этиш борасида А.Рустамовнинг хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ. Устоз олим қаламига мансуб "Навоий тилининг грамматик хусусиятлари", "Навоийнинг бадий маҳорати", "Сўз ҳақида сўз" сингари китоблари, оммавий ахборот воситаларидаги кўплаб маърифий чиқишлари ўзининг илмий теранлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Ёрқин истеъдод ва тафаккур эгаси бўлган заҳматкаш олим ўз фаолияти мобайнида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

Академик А.Рустамовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Алибек Рустамовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ, Ғ.АБДУРАҲМОМОВ

АТОҚЛИ ОЛИМ

Ҳаётда шундай олим, мутафаккирлар бўладими, улар ўзларининг илм хазиналарини кўз-кўз қилишни, турли илмий мунозараларда ўз нуқтаи назарлари билан атрофдагиларда ўчмас таассурот қолдиришни истамайдилар. Аммо ўз мутахассисликлари оид хар бир саволга камтарлик билан жуда асосли, илмий, мантқиқий жавоб берадилар. Академик Алибек Рустамов ана шундай камсуқум, кенг мулоҳаза юритувчи, Шарқ ва ўзбек мумтоз адабиётини мукаммал эгаллаган олим эди.

Мен Алибек Рустамов билан бир неча бор Ўзбекистон телевидениесида "Тил — маънавият кўзгуси" кўрсатувини олиб боришга муяссар бўлганман. Эсимда, соёқ шўро тузуми ўзининг сўнгги кунларини ўтаётган бўлса-да ислом динига ўтказилган таҳдид сусаймаган бир пайтда айрим диний тушунчаларга шарҳ бериш тақлифи билан маслаҳатлашиб, бу ташаббусни амалга оширганмиз. Тўғри, кўрсатувдан кейин жуда кўп танқидий муҳокамалар бўлган. Аммо Алибек Рустамов ўз нуқтаи назарларини шундай ажойиб тарзда химоя қилган эдиларки, мутасадди ходимлар ҳеч қандай эътироз билдиришга олмаган.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган "Навоий гулшани" кўрсатувиде буюк адибнинг фалсафий дунёқарашини томошабинга содда, изчил, аниқ ва раван тушунтиришда устоз бошқа иштирокчилардан ажралиб туради.

Олим ҳамisha ўз фикрини аниқ далиллар билан исботлай олиш иқтидорига эга бўлиши керак. Алибек Рустамовда бу фазилат яқоқ кўзга ташланиб турар эди. Хусусан, Алишер Навоийнинг 2 минг 600 ғазали, рубоийлари, луғзлари, "Хамса"даги беш буюк достони, "Девони Фоний"даги байтлар устозимизнинг хотирасида деярли тўлиқ муҳрлангандек эди бизнинг тасаввуримизда.

Алибек Рустамов яқин олти йиллик илмий-педагогик фаолиятида ўз мутахассисликларига фидойи, содиқ инсон эканликларини исботладилар. Олим ўз эътиборини тилшунослик, адабиётшунослик, шарқшуносликнинг кўпроқ назарий муаммоларига қаратган эди. 1966 йилда ёқлаган "Алишер Навоий асарларининг фонетик ва морфологик хусусиятлари" мавзусидаги докторлик диссертациясини оласимиз, "Аруз ҳақида суҳбатлар", "Қофия нима?", "Навоийнинг бадий маҳорати", "Сўз ҳақида сўз" деб номланган тадқиқотларини оласимиз — буларнинг ҳаммасида назарий масалаларни ҳал қилиш устозимиз диққати марказида турган. Чунки Алибек Рустамов ҳақиқий олимнинг мутахассислик даражасини назарий камолот билан белгилар эди. Биз — ёш мутахассислар Алибек Рустамовни ўзимизга айнан шу жиҳатдан устоз деб билганмиз. Атоқли олим, мураббий Алибек Рустамовнинг охиратлари обод бўлсин.

НОЗИМА ТОИРОВА

Омонила МАДАЕВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ҳазрат Навоий бобомизнинг устоз ва мураббийлар

Бошланиши биринчи саҳифада.

Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асаридида она тилимизнинг тақдирини, қарийб бир асрлик қарамликдан сўнг, ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлгани, мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби ва Мадҳияси қаторида турадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланганини фахр билан ёзади. Юртбошимизнинг кўрсатишича, ўзбек тилининг истиқболли билан боғлиқ муаммолар илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиши зарур.

Ҳақиқатан, ҳозирги ўзбек тилшунослигида кўпгина долзарб муаммолар мавжуд. Жумладан, ўзбек тилининг фонетика, фонология ва морфологияси, грамматикаси, лексика ва семантикаси, стилистикасига доир фундаментал тадқиқотлар яратиши, уларни нашр этиш лозим. Чунки бундай тадқиқотларга эҳтиёж катта. Айни пайтда фан ва техниканинг турли соҳаларига оид икки (ўзбекча-инглизча) ва уч тилдаги (ўзбекча-инглизча-русча) катта ва кичик лугатлар, ўзбек тили қатори хорижий тилларни ҳам амалий ўрганувчилар учун турли дастурлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилаётгани қувонарли ҳол. Зеро, бугунги ўзбек тилининг унинг мустақил шўро замонидидаги аҳволи билан қиёспасак, жуда катта фарқ борлиги аққол кўринади. Она тилимиз жаҳондаги энг йирик тилларда мавжуд бўлган белгиларга эга. Эндилликда тилимиз халқроқ анжуманларда, нуфузли саммитларда, интернетда қўлланилиши билан юксак мулоқот воситасига айланган. Бу, албатта, мустақиллигимиз шарофатидир.

— Жаҳондаги мавжуд тилларни жамятда қўлланишига кўра тасниф қилганда, асосан, уларнинг қайси жиҳатлари эътиборга олинади?

— Тилларни жамятда қўлланишига кўра таснифлаганда, аввало, тилнинг қонуний мақомига эгаллиги, яъни давлат тили мақоми, конституциявий мақоми, кўп тилда сўзлашладиган жамятда қўллани олиши инобатга олинади. Шу билан бирга, тилнинг мулоқот воситаси сифатида қўлловчилар сони, тилнинг ёзув бирлиги, миллий ва адабий мезони мавжудлиги, ҳудудий мулоқот воситаси сифатида ишлатилиши, умумтаълим, ўрта ва олий ўқув муассасаларида алоҳида қўлланилиши каби бир қатор хусусиятлари ҳам эътиборда тутилди.

— Ўзбек тили юқоридида кўрсатилган белгиларнинг барчасини қамраб олган. Зотан, ўзбек тили бир йўла дав-

лат тили ва конституциявий тил мақомига эгадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ўзбек тилининг давлат тили мақомига эга эканлиги алоҳида кўрсатилган.

Сирасини айтганда, «давлат тили» ибораси жаҳонда кам мамлакатларда қўлланади. Кўпгина давлатларда «расмий тил» ибораси ишлатилади. Лекин давлат тили мақоми «расмий тил» иборасидан юқорироқ мақомага эга. Халқроқ ЮНЕСКО экспертларининг таърифича, давлат тили маълум давлатнинг сиёсий-ижтимоий ва маданий доирасида интеграцион функцияни бажарувчи ва шу давлатнинг рамзий белгиси ҳисобланади.

ДУНЁ БИЛАН ҲАМНАФАС

нувчи тилдир. Дарҳақиқат, давлат тили ўз номи билан давлатнинг рамзий белгиси бўлиб, у шу давлатнинг герби, мадҳияси ва байроғи каби муқаддасдир. Давлат тили сифатида ўзбек тили ана шундай мақомга эга.

— Улуғ маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудийнинг бир аср муқаддам «Икки эмас, тўрт тил керак», деган даъвати бугун ҳам долзарбдир. Зеро, шиддаткор замон хорижий тилларни пухта ўрганиши тақозо этаётир. Бу борада амалга оширилаётган ишларни қоникарли, дея оламизми, айти йўналишда қандай вазифалар кун тартибидида турибди?

— Хорижий тилни билиш — туганмас бойликка эга бўлиш билан барабар. «Бир тилни билган бир шаҳарини билганга тенг», деган қадимдан қолган гап ҳам бор. Эндилликда замон лоқалқ бир-иккита хорижий тилни яхши билишни талаб қилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиши тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридида бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар аниқ белгилаб берилди. Демак, чет тилларни ўргатишнинг замонавий методикаси асосида янги дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўп тилдаги лугатлар ва айниқса, кичик киндтойлар, бошланғич сифф. ўқувчилари учун расмли, кўргазмали воситалар, турли ўйинлар тасвирланган

видеофилмлар тайёрлаш биринчи галда вазифалар сирасидан. Қоникчи билан таъкидлаш жоизки, бу борадаги ишлар анча жонлиб қолди. Хусусан, телевидениеда ташкил этилган «Менинг инглизча лугатим», «Инглиз тили сабоқлари», «Children and nature» («Болалар ва табиат»), «Алифбо юлдузлари» каби қатор кўрсатувлар ёш авлодга хорижий тилларни ўзлаштиришда таъсирчан сабоқлар вазифасини ўтамоқда. Мухими, уларни ҳам кўриб, ҳам эшитиб тил ўрганган бола, айниқса, хорижий тилдаги сўзлар талаффузини пухта ва тез ўзлаштириб олади.

Шу ўринда мен бир гапни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Ҳар қандай хорижий тилни ўрганишда

миз билимдонлари ўз зиммаларига қандай вазифаларни олишлари лозим, деб ўйлайсиз?

— Авваллари ўзбек ёзувчи, шоирларнинг асарлари дастлаб рус тилига, кейин бошқа хорижий тилга таржима қилинарди. Хорижлик адибларнинг асарлари ҳам рус тили орқали ўзбек тилига ағдарилиб келинди. Бунда рус тили воситачи тил вазифасини бажарди. Бундай таржималарни камситмаган ҳолда айтиш жоизки, эндиликда аслиятдан таржима изга тушаётгани, аслиятдан таржима — асл таржима, деган гапда теран



Оллоҳ бизга инъом этган тилимизда бир-бирига ўшайдиган олтига унли фонема ва йигирмата ундош фонема (ц, ж чет тиллардан ўзлашган сўзларда учрайдди: цирк, журнал каби). Ана шу

ришимизда бизга руҳ ва куч-гайрат бағишлайди, деб ўйлайман. Мана, сизга бир мисол келтирай. АҚШ тилшуноси Я.Мадисоннинг ёзишича, 317та жаҳон тилларида унли фонемалар сони ундош фонемалар сони олтигадан тўқсон бештагача етади. Чўзиқ, қишқа ва ўрта чўзиқликдаги унлилар ҳам топилади.

Бирок ушбу бурчни ҳар қим ҳар хил тушунади, шекилли. Матбуотда реклама, эълон ва бошқа ёзувлардаги хатолар кўп танқид қилинади. Бундай танқидлар, албатта, керак, токи дўкон, кафе ёки ресторан очётган айрим ишбилармонлар кулогига бу гаплар етиб борсин. Мана, кунчи кеча кўзим тушган дўкону ресторанларнинг номлари: «Флоренция», «Фудзияма», «Белаждар», «Ати-бати»... Эҳти-мо, бу жойларда яна бундай италянча таомлар пиширилса керак, дер-сиз. Мен ҳам қизиқиб кўрдим; асосан ўзбек миллий таомлари тайёр-ланаркан. Яна бир мисол: айрим таксиларнинг орқа томонида «Лицензия-сиз йўловчиларни ташиш қонунга-хилоф!», деб нотўғри ёзилгани бир неча бор матбуотда танқид қилинди.

Лекин аҳвол ўзгаргани йўқ. Наҳотки, «Йўловчиларни лицензиясиз ташиш мумкин эмас!», деб ўзгартириб ёзиш шунчалик қийин. Бир идорага кир-ганимда девордаги «Чекилмасин!», деган ёзувга кўзим тушди. Бошқа бир идорада «Чекмасангиз, хурсанд бўламиз», деган ёзуви ўқигандим. Дўраи ичига олинган сигарета рас-ми устидан қизил чирик тортиб қўйилган белги ҳам учрайди. Қандай яхши! «Эшикни ёпиб юрилсин!», «Дераза очилмасин!» деб эмас, «Марҳамат қилиб эшикни ёпиб юринг», «Илтимос, дераза очилмасин», деб ёзилса, ўйлаймики, кейинги иборалардаги одоб ифодаси улар-нинг таъсир кучини оширади.

Хуллас, она тилимиз биздан нафақат ҳурмат-эътиборни, айти пайтда, саводхон бўлишни, айтила-диган ва ёзиладиган ҳар бир сўзга масъулият билан ёндошишни тақо-зо этади. Мухими, лоқалқ бўлма-лик, шунда она тилимизнинг нуфузи ҳам, мавқеи, мартабаси ҳам юксалиб бораверади.

Аҳмад ОТАБОВЕВ суҳбатлашди.

Туркистон форсайабон ё туркий тилдаги мумтоз адабиёти тарихига бағиш-ланган дарслик ва қўлланмаларнинг бирортасида машҳур таъриханавис адиб Абдулмуталиб Фаҳмийга оид тузувқоқ ахборот топиб бўлмади. Бироқ бир қанча машҳур олимларнинг мақолаларида у туғрида қисқача маълумот учради, холос. Уларнинг барчаси Фаҳмий XVIII асрда яшаб, ижод этганини ёзади. Бу маълумотлардан адиб тахминан 1710—1770 йиллар доирасида яшагандек таассу-рот туғилади. Гарчи йилларда аниқ чегара бўлмаса-да, у ўқувчида қарийб бир асрдан бери сақлашиб турган энг содда таассуротдир. Айнан соддалиги ва шубҳадан холидек туюлганлиги туғайли шу пайтга қадар бирор ўқувчи уни тафтиш қилишни ўйламаган. Аммо қўлланмадан бизда шубҳа пайдо бўлди. Балки бизгача ҳам қайсидир ўқувчида шундай вазият юзага келгандир...

Авалло муҳтарам устозларнинг фикр-ларини келтирайлик: профессор Абдурауф Фитрат: «Биз П. Вяткиннинг «Йўқ» дейиши-га қарамай, XVII — XVIII асрларга оид маъ-хазларнинг биринчиси самарқандли Му-хаммад Бадий Малехонинг 1688—1691 йил-ларда ёзилган «Музакир ул-асҳоб» исми-ли таъриҳи, иккинчиси 1763 йилда Абдул-Муталиб Хўжа Фаҳмий томонидан ёзилган

Бу асар 1925 йили Самарқандда, 1926 йили Москвада чоп этилган. Асар уч қис-дан иборат. Биринчи қисмининг ёзишида фой-даланилган манбалар рўйхатида мажмуа хақида: «Мажмуаи Абдулмуталиб хожа», 1177 йили ёзилган, қўлёзма», дейилган. Маъжур маълумот Сўфи Оллоҳёр ва Бобо-рахим Машрабга бағишланган матларда ҳам алоҳида таъкидланади. Бу саҳифалар-

«Бахри тавил Хайоир» (153—161), «Макту-би Алишер Навоий» (169), Байоз(1—27, 103—144, 161—313) каби алоҳида матлар-дан иборат.

Котиби: 28° бетдаги фикрист мазмуни, 29°, 30° ва 90° саҳифалардаги таъкидлар

Тадқиқот, ахборот

ҳамда ҳошия чизиқларининг ишланишига кўра, барча матларни бир киши тўплаган ва кўчирган. Ҳозирча бу одам, албатта, Аб-дулмуталиб Фаҳмийнинг ўзи бўлса керак, деган фикрдамыз.

Қўлёзмада учрайдиган баъзи шахслар номлари ва саналар: 65° саҳифада Қори Раҳматуллоҳ Возих Бухорийга (вафоти ҳиж-рий 1311 (1893—1894) йил) оид маълумот-лар ҳамда унинг қасидаси келтирилган.

90°—90° саҳифаларда Шамсиддин мах-дум Шохин Бухорийнинг ҳижрий 1311 йили(1893—1894) вафот этгани ва унинг «Бадоиъ ас-санойиъ» асари ҳижрий 1318

вақт(1870—1906 йиллар оралиғида) тартиб берилган.

Муаллиф ва унинг ижоди ҳақида ҳозир-ча ушбу бир-икки сўз билан қиёсланамиз.

Бу орада илмий адабиётлардан мавзу-га оид маълумот қидришда давом этаёт-гандик. ЎзРФА Шарқшунослик институ-ти томонидан нашр этилган «Шарқ қўлёзма-лари тўплами рўйхати»нинг XI жилдида «Тазкираи Фаҳмий» ҳақидаги ахборотга кўзимиз тушди. Унда ҳам маъжур таъки-ра 1869—1870 йилдан кейин ёзилгани кўрс-атилган. Бу ахборот шубҳа ва мулоҳазала-римиз ўринли эканини тўла тасдиқлади.

Маъжур қўлёзмалар хазинаси картотека-сида 2331-рақамли қўлёзмада саккизта асар борлиги ва уларнинг айримлари Абдулмуталиб хожа Фаҳмий дастхати билан кўчирилгани ёзилган.

Худди уларга ўхшаш хабар Тожикистон Республикаси Фанлар академиясида чоп этилган Шарқ қўлёзмалари тўпламининг 2-жилдида ҳам учради. Ундан «Тазкираи Фаҳ-мий»нинг 952-рақамли бошқа бир нусхаси у ерда сақланиши маълум бўлди. Ҳажми 41 варақ, ўлчами 20х13,5 см, 1936 йили кўчи-рилган. Тожикистонлик мутахассислар бу асар ҳижрий 1277 йилдан(1860) кейин ёзила бошлаган деб ҳисоблайди. Бу маъ-лумотлар ҳам бир қанча мутахассислар то-монидан йиғилган тоза илм эди. Аммо не-гадир маъжур мавзуга қўл урган тадқиқот-чилар уларни мақолаларига жалб этмаган. Ўқувчига етказмаган.

Эски таассуротни тиклаб бўлмади. Лекин ўрни бўш эмас. Янгисига кўра, Абдулмутал-либ хожа Фаҳмий, машҳур тадқиқотчилар айтганидек, XVIII асрда(тахминан, 1710—1770 йиллар оралиғи) эмас, XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида яшаган. Бу энди ўқувчининг маъжур мавзу доирасида шу пайт-гача мавжуд бўлган барча фикр, мулоҳаза, айрим масалаларга ёндашув ва хулосалари-ни қайта кўриб чиқишини тақозо этади. Ма-салан, биз шу пайтга қадар баъзи тарихий воқеаларга нисбатан юқоридида тадқиқотчи-лар талқинларига таянган ҳолда Фаҳмий яшаган даврни ҳисобга олиб, унинг маълу-мотларини бирламчи манба сифатида Мир Хусайний, Маъжур Наманганний, Хумулий, Шариф маҳдум каби яна бир қанча муаллиф-лар ёзганларидан устунроқ қўйиб келаётган-дик. Энди вазият ўзгариб кетди... Қарашлар ва онгимиз-га қатъий ўрнашиб бўлган тасавуфларни ўзгартириш оддий, осон жараён эмас. Аммо у содир бўлмоқда.

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР

«ГУДИСТОН»

2013 йил, 5-сон

«Тилнинг бирлиги миллат дилининг бир-лигини ифодалайди. Бизнинг бир миллат си-фатида буюк келажак аталмиш манзилга биргаликда интилишимиз ва етиб бориши-миз кўп жиҳатдан тилимизнинг бирлигига ҳам боғлиқ», деб ёзади Ж.Йўлдошбеков «Тил — масъулият» сарлавҳали мақоласида. «Болаларга боғланган тақдир» сарлавҳали

Журналларни варақланганда

суҳбатда Ўзбекистон Қаҳрамони, олий тоифали ўқитувчи Турғун Азларов билан мулоқотдан баҳраманд бўласиз.

Таникли шоир Турсун Алининг «Полвон» ном-ли достони, ёзувчи Абдуқоюм Йўлдошевнинг «Мубтало» номли ҳикояси, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожи-ева таржимасида берилган машҳур 1763 йилда турган тадқиқотчи-лар Маҳастий Ганжавий, Хайрон Хоним ва Хуршидабону Нота-уни ижодидан наму-налар бадий ада-биёт илосмандлари эътиборига тушиши тайин.

Шунингдек жур-налнинг ушбу сониди-да «Шарафли машаққат» сарлавҳаси остида ижодкор, олим, хунарманд, тадқиқотчи син-гари турли касбқор эгаларининг устозлик мартабаси, мавқеи, шогирдлик бурчи ту-шуналарига доир фикрлари билан таниша-сиз. Атоқли санъаткорлар Фанижон Тошматов, Орифхон Хотамов ҳақидаги мақолалар, Ўзбе-кистон халқ артисти Одинахон Нарзуллаева билан суҳбат, спортимиз ва мураббийлар фаолияти акс этган фотолархалар, ҚХусан-боевнинг «Зомин тил қомуси» китобига доир фикр-мулоҳазалари журналнинг ушбу сони мундариҳасини бойитган. Шунингдек, санъатнинг турли соҳаларига оид хабар ва лавҳалар, кўнгилоҷар мақолалар ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.



МАЪЛУМОТЛАР ВА... ТААССУРОТ

«Мажмуаи Фаҳмий», учинчиси...»; Пўлатжон Домулла Қайюмов: «Ҳижрий ила 1177нчи йилда (1763—64) таълиф этилмиш «Маж-муаи Абдулмуталиб» номли таъкирадан олиб «Намунаи адабиёт тожиқ» да муҳтарам уст-од Садриддин Айнӣ кўрсатмишлар эди. Мен бундан олдим»; филология фанлари доктори Абдурашид Абдуғафуров: «Маса-лан, Абдулмуталиб Хожа Фаҳмийнинг 1177 ҳижрий (м. 1763) йили тузилган таъ-кирасида қуйидагиларни ўқиймиз...»; фило-логия фанлари номзоди Мухсин Зокиров: «Чунончи, бу ҳодисани Абдул Муталиб хўжа Фаҳмий ўз мажмуасида шундай баён қилади: «Машрабни 1123 ҳижрий йилда уламо ва ҳукамоларнинг фатвоси билан Маҳмудхон Кундузда шахид қилди». Муал-лиф ушбу фикрларини исботлаш учун унга «Мажмуаи Абдул Муталиб хўжа Фаҳмий, 1177 ҳижрийда ёзилган, 123-бет», дея гала-ти тарзда изоҳ ҳам беради. Профессор Ис-матуллоҳ Абдуллаев: «Абдулмуталиб Хожа Фаҳмий 1763 йили тузган «Тазкираи Фаҳ-мий» асарида: «Мавлоно Машраб Наман-ганний ҳазрати Хожа Ҳидоятуллоҳ Офок Хожа муридларидандир» дейилган».

Биз учратган маълумотлар охирашди... Текширув уларнинг барчаси битта манба-дан олинганини кўрсатди. Унинг эгаси машҳур адиб Садриддин Айнӣ экан. Бу хилдаги дастлабки ахборот унинг «Наму-наҳои адабиёт тожиқ» асаридан икди.

да Абдулмуталиб хожанинг Фаҳмий тахал-луси ҳам кўрсатилади.

Барча тадқиқотчилар таянган, биз умид-вор бўлиб қидирган маълумот шунга эди... Бу калта хабар қаердан кесиб олинган? Унга таяниб, тадқиқотчилар «Мажмуаи Фаҳмий»ни ўқувчиларга XVIII асрнинг энг муҳим ва қимматли манбаларидан бири, дея тақдим этишган. Муаммони осонгина бартараф қилмоқчи эдик. Бўлмади.

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшун-ослик институти қўлёзмалар хазинасида «Мажмуаи Фаҳмий» асарининг 2331-рақам билан ягона нусхаси сақланади. Ундан кўпчилик фойдаланган.

Қўлёзма тузилиши: ҳажми 313 варақ, ўлчами 20,5х13 см, маҳаллий ҳамда қорхона қозғидан таркиб топган. Муқовада саҳ-хоф номи кўрсатиладиган нақшин тамғада «оқибат хайрбод» жумласи ва ҳижрий 1318(1900—1901) санаси бор. Ёзувлар асо-сан настълиқ, қисман шикастада ёзилган ва уларнинг катта қисми кўк, қизил, тилла-ранг хошия чизиги ичида жойлашган. 29°, 30°, 75°, 92°, 145°, 153° саҳифаларга содда-роқ лавҳли безаклар ишланган. Тили фор-сий ва туркий.

Қўлёзма «Тазкираи Фаҳмий» (28—66); «Мутойиба» (67—74); «Бадойиъ ас-санойиъ Шохин»(75—90); «Ашъори Фаҳмий» (92—103); «Жавоҳирнома» (145—148); «Муаммои Жомий» (148—150); «Муаммо» (151—152);

йили муҳаррам ойида (1900, май) Абдул-муталиб хожа Фаҳмий тарафидан кўчирил-гани таъкидланган.

Қўлёзманинг охирида ҳижрий йил ойлари тўғрисида Фаҳмийнинг шеъри ҳамда худ-ди шу маъмулдаги бир насрий ривоят та-гида (313°) ҳижрий 1324 сана (1906) турибди.

Қўлёзмадаги худди шу ҳолатлар қарийб юз йиллик таассуротни синдирган ва унинг ортида турган Фаҳмийнинг XVIII асрдан XX асрга олиб келганди.

Қўлёзма хусусиятлари ҳар жиҳатдан умумлаштирилиб, унда Абдулмуталиб Фаҳмий қаламига мансуб «Тазкираи Фаҳ-мий», «Ашъори Фаҳмий», қўлёзма охирида-ги ҳижрий йил ва ойларга бағишланган шеър мавжудлиги аниқланди. Қолганлари-ни муаллиф тўплаган ва кўчирган. Шу са-бабдан «Мажмуаи Фаҳмий» дейилганда қўлёзмадаги барча асарлар тушунилиши лозим. «Тазкираи Фаҳмий» эса 38 варақчи ташкил этади. Бироқ муаллиф бу асарини ҳам «таъкира» деб атамаган. Уни ўзи туза-ётган мажмуа мақомидаги матлар каторига қўяди. Қўлёзмадаги шартли равишда «Байоз» деб атаётган қисмининг 161—313-варақларидаги Жунайдуллоҳ Хошиқ сингари яна баъзи шоирлар ижо-дида доир маълумотлар кўпроқ «таъки-ра» хусусиятига эгадир. Уларнинг ёнига Шохин тўғрисидаги ахборотни ҳам қўшиш мумкин. Қўлёзмага узоқ



Лайло ШАРИПОВА

ДИЛДА ДУРИМ, МЕХРИ ДУРДОҲАМ



ДУО

Захматқаш ҳалқ ибодати бу,
Даласида — оқдик дарёси.
Тер тўққани — чин роҳати бу,
Билсанг, оппоқ ҳар бир дуоси.

Ғўзаларнинг қўлидир чанок,
Қўлинг чўсанг, пахта тутади.
Чанокларнинг саломи оппоқ,
Бу оппоқлик дилга ўтади.

Яратганининг мўъжизаси бу,
Бошқа рангда бўлмабди бино.
Ва ўзбекининг ерида битмиш,
Ҳавас қилсанг арзийди, дунё!

ВАТАН МАДҲИ

Бу шундай Ватанки, ҳатто чўлида
Шифобахш тибқлар ўсади фақат.
Удути дунёга юртни танитган,
Бир қарич ерида ётмоқ саодат.

Тўрт фасл қўшининг ишқига лойиқ,
Энг оқди куйларин тарихга беэақ.
Бошинг туворига теккан заҳоти
Осойиш топади безовта юрак.

Отанинг ўзи руҳсат берди.

— Майли, ўғлим. Қаерда бўлсанг ҳам бошинг омон бўлсин. Фақат туғилган жойинг, ота-онанг-ни, урф-одатларимизни унутма. Мен сендай ўғлим борлигидан доим фахрланаман.

— Сизни уялтириб қўймайман, ота...
— Сенга ишонаман. Келинимни эҳтиёт қил. У ҳали ёш. — Ота ўғлини бағридан бўшатиб, ий-манибгина турган келинига юзланди. — Қизим, сенга ишондим, лекин, Икковларинг ҳам ўқиган, оқ-қорани танигансизлар. Ўзларингни эҳтиёт қилинглр. Меҳр-муҳаббатларинг туганмас бўлсин.

Бошида дўппи, устидан катта гулдор рўмол ташлаб, кўйирчоқиде безанган келинчак рўмол остидан қайноқасига қаради ва “Хўп” дегандек бош ирғади. Сўнг хайрлашиб учун осовини ёнига келди.

— Майли, янға...
— Хўп, келинчак. Яхши этиб олинглр.
Ўғил акаси билан ҳам хайрлашди.
Бир вақт ота:

— Манави ашқол-дашқолингнинг ярмини тушир, мен ҳам кетаман!
— Ие?! — деди ўғил қувониб. — Кечадан бери кўндиролмагандик-ку?

— Э, бўлмади. Узоқ йўлга ярамайман, деб ўтирсам, ўтиравераман. Шошма, сен менга жой бўшатиб тур, — ота шундай дея уйига кириб, эгнига янги чопон, оёбига маҳси-ковуш кийиб чиқди.

Машина кир эстагида жойлашган уйлари ортда қолдириб, шаҳар томон илдамлади.

Ўғил магистратурани битиргач, пойтахтдан икки соатлик учиб олиб, ҳозир аспирантурада ўқир, келинчак эса магистратура битирувчиси эди.

Шаҳарга келгач ота ўғли билан келинининг жойлашинини кузатиб, уларнинг бир-бирига меҳрибонлигидан қувониб ўтирди. Келинчак елиб-юғириб хизмат қилар, қишлоқдан келган келинлик нарсаларини уйга жойлаштирар, қилаётган ишдан ўзи-да қувонар, ҳузурланар, ора-да қайноқасининг чой-нонидан ҳам хабар олиб, “Буважон, чойингиз борми?” дея гирдиқалалак бўлар, ҳаётдан мамун эди. Ўғил ҳам юкларни чиқариб бўлгач, дўқонга чиқиб келди. Орада келинчак ошга ҳам уйнаб юборди.

Кечга томон ота намазини ўқиб, чой ичиб, уларни кузата туриб, бундан кўнгли хотиржам тортиб деди:

— Болам, икковларингни кузатиб, бир нарсани ўйладинг. Ўғилнинг умрин бекор кетмабди. Ҳаётимнинг кейинги ўн саккиз йилни ёлғиз ўтказдим. Тақдир экан, онанг эрта оламдан ўтди. Ўшанда мен эллик икки, онанг эллик ёшда эди. Шундан сўнг мен нима едим, нима ичдим, нима кийдим, билмайман. Билганим сен билан аканг, ун опаг эди. Мен ҳам ота, ҳам она бўлиб, опаларингни турмушга узатдим. Худойимдан айланай, менга шундай солиқ фарзандлар берди. Аканг менга қарашни, мени деб яшашни умрининг мазмуни, деб билади. Шунинг учун бирор жойда ўқимади. Хамма ташвишчи ўз бўйнига олди. Мен ҳам рўзгоримизга бир аёл кишининг қўли кераклиги учун уни эрта уйлантирдим. Пешанамдан айланай, келин ўз қўлимдай чиқди. Кейин мен ҳамма умидимни, ўзим етолмаган орзулар ижобатини сендан куза бошладим. Шу сабаб, сени ўқитдим, “Уй олайлик”, дединг, умрин бўйи йиққанларимни сотиб, мана уй олиб бердим. “Кўнгли кўйганим бор” дединг. Бу ниятингга ҳам етдинг. Илоҳим, хамиша шундай омади бўлгин. Катта шаҳарда кичкина бўлсам ўз номларинг бўлсин. Илми хор бўлмас. — Ота шундай дея чўнтағидан сурат чиқарди. Келинига қаради. — Бу қайнонанг. Ўн саккиз йилдан бери ёнимда йўқ, аммо куну тун кўксимда...

Ота шундай дея суратни дастурхон устига қўйди-да, шарт ўрнидан туриб, балконга ўтди.

Бир лаҳза суратга тикилиб қолган келинчак юраги тўлқинланиб, беихтиёр турмуш ўртоғига қаради. Не қўз билан кўрсинки, унинг кўзлари жиҳқа ёш эди.

— Ундай қилманг, — деди келинчак сирга-

Кўкка нур ўрлаган қайси Ватандан,
Ҳатто тиконининг гуллари судув.
Кўлчан оқизоқ қилган боланинг
Алшомин бўлишни таъбир айлар сув.

Бу шундай Ватанки, аёли улуд,
Шу юрт деб тикилган қирқта жони ҳам.
Эрқаги — авлиё, қадами қутлуг,
Бу замин муқаддас, бу юрт муқаррам.

ОНАЖОНИМ

Кўнгли каби кўнгли толмаган,
Бўйинга тенг буй тошган, онам.
Гул ўстириб, дур деб чопмаган,
Дилда дурим, меҳри дурдонам...

Онам бедор бўлган тувларнинг
Лаҳзаларини қайтаролсайдим.
Сабрга жон берган куйларининг
Нурларини дилга солсайдим.

Далда бўлсам, лоақал далда,
Ариголсам, қани, дардларини.
Чорлаганда борасайдим ҳар гал,
Кўзга суртсам пойин гардларини.

Кўнгли каби кўнгли толмаган,
Бўйинга тенг буй тошган, онам.
Гул ўстириб, дур деб чопмаган,
Дилда дурим, меҳри дурдонам...

ШЕЪРИМГА

Ёбонларнинг кенгликларида
Бир кун сени кўйдим йўқотиб.
Йиллар ўтиб ўша ёбондан,
Кенжа қизим келтирди топиб.

Ич-ичимдан ўқиб йиғладим,
Соғинганим, сени ҳаблябим.
Қизим ҳайрон, термуларди жим,
Унга кўшиб кўчдим сени ҳам.

либ эрининг ёнига бориб, — йиғламанг. Шундай садозқатли инсонларнинг фарзанди бўлиш бизга бахт-ку!

Эр ялт этиб хотинига қаради. Унинг нигоҳларини чулғаб олган мунг ва гўсса ўрнини қувонч ўқунлари эгаллади. Беихтиёр ўзига нимтабасум ёйилди. Сўнг “Отамдан хабар олай”, дея ўрнидан турди. Қараса, ота эшикка сунганича уларга қараб турибди. Ўғил бирдан тўхтаб қолди, келинчак хижолат тортиб, қўлига чойнакни олдику ошхонага ўтиб кетди.

Ота ўша кеч ўғли билан келинига ҳаётининг энг гуллаган дамларидан, энг оғир кечмишларидан сўзлаб берди. Қувончини-да яширмади, армонларини-да сир тутмади. Ўғил ҳам шу оқшом отасини, ота қалбини қайтадан кашф этгандек бўлди. Келинчак эса ўз хаёти ва хаёллари бир, кайнотаси тақдирдан эшитган ҳижолати бир бўлиб, ҳаёт мактаби олдида вийдон билан ёнма-ён туриб қолди.

Ўғли билан келинидан кўнгли тўлган ва юрагини бўшатган ота энди бу ерда қиладиган иши йўқлигини, кўнгли хотиржамлигини, эртаси тонгда фарзандларига оқ фотиҳа бериб, ота маконига — кишлоғига қайтди.

Отанинг кун тартиби ғалати. Бомдоддан сўнг қўйларини ҳайдаб, уйи ёнидаги қир устига чиқиб ўтиради. Қўйлар адирда ёйилиб ўтлайди, у эса икки тиззасини қўнганча атрофни кузатади. Тонг отишига, қишлоқдошларининг қийчув қилиб кунни қандай бошлашларига қараб қолади, ҳаёлларга берилди...

— Иқбол, кенг, чойингиз совиб қолади. Қўйлар ўтлаб турсин, ҳозир бирортасини жўна-таман. Мактабга кетар вақти бўлди.

У ўрнидан туради-да, қўйларига бир қараб кўриб. Чакана сойда ёйилиб ўтляпти. У секин, бир-бир босиб уйга кела бошлайди.

— Иқбол, болалар турдимми?

— Ҳа, тўрапти.

Ота мириқиб, яйраб юз ювади. Эшик тутқичи олинган сочқикда юзини арта-арта ичкари қи-ради. Уч қизи шакарной ичиб ўтирибди.

— Иқбол, қизим, чойингиз ичиб бўлгандан кейин синглинг икковинг қўйга чиқинглр, майлими? Кун қизиб қолгунча қаранглр, кейин қўрага қамаб ташлайсизлар. Ётади.

— Майли.

Ота ўтиргач қичқалар юзларига фотиҳа торти-шиб, ўринларидан туришади. Ҳатто эр-хотин ва кичкина қизча қолади.

Улар нонушта қилишади. Кейин у мактабга кетади. Аёл юкли холи билан уй ишларини қила-ди. Томорқадан ўт юлиб, дарахт тағида боғлиқ турган соғин сизгирга ташлайди.

Тўшдан кейин мактабидан қайтган эр қўйлар-ни кўшининг ўғли билан унинг қўйларига қўшиб юборади-да, аёли билан томорқада ишлайди. Баъзан сабази, пилёз ўтқ қилиб ўтирган аёлга қараб туриб-туриб, сўрайди.

— Қийналмайсанми?

Аёл бошини кўтариб эрига боқади. Кўзлари тиниб, бир муддат ҳаракатсиз қолади. Сўнг “Хавотир олманг, яхшиман”, деб қўйди. Эр унинг қони камлигидан ҳозир боши айланиб кетганини сезиб қолади, сўнг бозор кунни шаҳарга ту-шиб, қорамолнинг тилидан олиб келишни ният қилади. Уриқ тағида ўйнаб ўтирган қизларига қараб маъносига жилмаяди. Ич-ичидан бир нидо келади: “Худойим, шуларнинг изидан биргина ўғил бергин...”

Кўтара олмайсиз кўнглимни,
Истагиниз, имконингиз йўқ.
Чунки кўнглим ердан каттароқ,
Осмоддан ҳам бепоён кўнглим,
Тоғлардан-да, овирлиги рости.

ДУНЁ

Нажмиддин Комилов хотирасига

Кўпнинг кўнглини кам қилғай дунё,
Кўпнинг кўзин нам қилғай дунё.
Ҳаммаизнинг ерининг остига
Бир кун, албат, жам қилғай дунё.

Манамен деган не-не зотларнинг
Бошларини ҳам қилғай дунё.
Устозларни кўш деб билсак,
Ўчиргай, шам билғай дунё.

Дунё, билсанг, битта қудрат бор,
Бир нарсанга ҳққминг ўтмайди.
Эл кўнглини китоб этгайлар
Бу дунёдан асло кетмайди.

ГУЛОБ

Мен кўзингиз қароғини тўлдирган гулоб,
Имконсизлик сахросига тўқилгум бир кун.
Бир кун мени ердан тортиб олади офтоб,
Ёмғир бўлиб бошингизга қуйилгум бир кун.

Танимайсиз, мен-чи сизга сингиб кетаман,
Шўр тер бўлиб алтирайман пешонамизда.
Сидирасиз терни, шу дам кўкка етаман,
Шабнам бўлгум сиз узажак ўшал нарғизда.

Қайта-қайта арша бошим уравераман,
Бир кун мени Азроилга беради раҳмон.
Лабингизга томизаркан томчи гулобин,
Жонингизни Азроил ҳам олади осон.

Жон берар чоқ қонар сизда асрий ташвалик,
Билан таниш туюлади гулобдаги таъм.
Ва англайсиз кўзингиздан оққан гулоб бу,
Сўпти дамда мени сизга қайтармиш эгам!

ларни айлаиб келади. Кун қизиб қолгач, яна уйга қиради. Тўй-маърақа бўлса, шунга боради. Бўлмаса, уйда радио эшитиб ётади. Нар борса, бир миғзиб ҳам олади. Пешинни ўқигач, яна уй атрофига гимирсиб юради. “Ота, қўйинг, ўзим қилсам”, деганига қарамай ўғилнинг ишларига ёрдам беради. Ҳеч бўлмаса, уй соясига кетмон-даста йўниб ўтиради...

Бирок кейинги кунларда ота ўзига сезилма-ган ҳолда янги одат чиқарди. Ҳар кун тушдан кейин уй ёнидаги ўриндаки ўтириб йўл қарай-ди. Катта ўғил аввалгилга эътибор қилмаган экан, бу ҳолат кунда тақорланавергач, юрак ўчиб сўради.

— Ота, ҳар кун бундай, уйинг ёнига чиқиб ўтирасиз. Тинчликми?

— Тинчлик, — деди ота алланечук безовталан-ди. — Ўзим... Қиладиган ишим бўлмаса. Ўтирибман-да.

— Ё, Ташкиндагилардан ха-вотир оल्याсизми?

Ота “ялт” этиб ўғлига қаради. Унинг кўзларида аллақандай маъносилк, соғинч, мунг яширин эди.

— Кетганларига йиғирми? Ота кўлида, бир келишмади-я?! — кун бўлганида дил ёрди. — Одам шунча ҳам беуёқ кетадими-а?

Ўғил нима деганини билмади. Охири:

— Ота, улар икковиям ўқийди. Жавоб ололмаётгандир.

ХОЛИЁР САҒАРОВ

О Т А

да. Ёки эртага бориб, қўриб келамизми?

Отанинг чехраси ёришгандек бўлди. Ўрнидан турди.

— Ташкин яқин бўлса экан, гир этиб бориб келсак. Қўй, сениям овора қилмай. Ўзим кетаман.

Кун бўйи автобуста шилқиллаб келган ота шоҳбатда тушгач, ўтириб чарчаганини ҳис этди. Қайси йўлдан юришни билмасдан, бир муддат каловланиб турди-да, такси тўхтатди.

— Ўғлим, шу, мени кенжамнигача обориб ташлолмайсизми?

Ҳайдовчи “пик” этиб қулиб юборди.

— А, отахон, кенжанингиз танимасам мен. Манзилни айтинг, манзилини.

— Манзили... — ота билганича манзилни тушунтирди.

Машина йўлга тушди. Ота атрофни кузатди. Ўзгариб бораётган шаҳарни мириқиб томоша қилди. Машина балан уйлар олдига тўхтади.

Ота “Ё, пирлар мадад”, дея машинадан тушиб ва атрофга аланлаганча ўғли яшайдиган уйга қараб кета бошлади. Керакли қаватга чиққач, эшик кўнгиригини босди.

— Ким? — ичкаридан келинининг нозик овози эшитилди.

— Мен, очинглр-ей.

Бир лаҳзалик жимликдан сўнг эшик очилиб, ўғил кўринди.

— Э, ота?! Ассалому алайкум. Келинг, келинг.

— Ваалайкум ассалом. Ҳа, омон бўлгилар-а? — чарчаб, хансираб қолган ота халтасини эшик олдига қўйиб, ўғлини бағрига босди. Оёғидан маҳси-калишни еча туриб, келини билан қўл бериб саломлашди. — Яхшимиз, қизим?

— Келинг, бува... — келинчак отани уйга чор-лади. Йўл-йўлкай эрига “Ана, кўрдингизми?” дегандек қош учирди. Ўғил хижолатомуз ота изидан юрди.

Келинчак дастурхон ёзиб, чой дамлагунча ҳам ота яйраб гапиролмади. Нафаси сиқилиб, хансираб қолаверди. Аммо кўз ости билан аввал

Ашурали БОЙМУРОД

ҚУЁШГА КЎЗГУ ЎЛКАМ

Кузнинг сариқ баҳмал тўшақларидир,
Дарахтлар бағридан тушган япроқлар,
Яланғоч новдалар қучоқларидир,
Ҳижрон рангларига тўлар тупроқлар.

Ҳижрон куйларини чаларкан тинмай,
Ажиб бир сеҳр бор кузнинг ишида.
У оппоқ кўрпасин устига ёшиб,
Сўнг яшил дунёни кўрар тушида...

МУҲАББАТ

Муҳаббат не қилса ҳам
ҳар ишин бошдин қилди.
Йўрғагин гулу тикон,
ёстигин тошдин қилди.

Ҳижрон деган қояга,
етаклади сахронин,
Тоҳир оққан дарёни
Зухро қўз ёшдин қилди.

Олиб кетди Лайлини
Маъжун дил сахросига,
Фарҳод ишқ воҳасинин,
сой ила тошқин қилди.

Мухрлади юракка,
севилмоғу севмоқини,
Ишқнинг гўзал сувратини,
ул қаламқошдин қилди.

Худо суйган бандамиз,
ўзи солган юракка,
Бандаси хато кетса,
қўз олдин мошдин қилди.

Жонингга жон бағишлар,
мангу ёшлик фаслидур,
Ўн саккиз миғ оладим,
ўн саккиз ёшдин қилди.

ФАҲРИЯ

Риъзиёт илмининг султони ўзбеклардир,
Минг амалнинг ечимини ўзбеклардир,
Қуёшга кўзгү бўлган қуёшли ўлкам менинг,
Тафаккур тилсимининг зўр қони ўзбеклардир.

Хоразмий, Ибн Сино, Беруний зуредимиз,
Улуғбек сочан «чўғлар» — самовий фарёдимиз.
Агар бир-бир арақдай билсанг дунё китобини,
Жаранглаб садо бергай ўзбек деган отимиз.

Қалб даштига гўл эксанг, албат бўстон бўяяди,
Топпи айтилган ҳар сўз яхши дoston бўлади.
Бу ўлкада тўрт амал тўрт фаслдек иш тутар,
Ҳисобини билган юрт Ўзбекистон бўлади.

Илм аҳли азалдан мамлакатга маладдир,
Жўжани қузла санаб халқимизга оладдир,
Етти ўлчаб бир кесмоқ мерос бўлди бизларга,
Шул Ватанда яшамоқ билсанг, зўр саодатдир.

келинига, ўғлига, сўнг атрофга назар солди. Негадир “Яхши, яхши”, деб қўйди.

— Қандай, яхши юрибсизларми? Ўқишларинг, ишларинг жойидими?

— Раҳмат, ота. Ҳаммаси яхши.

— Келин ҳам рўзгорига ўрғин кетдимми?

Буни эшитиб турган келин дастурхонга мевачева қўя туриб, бир жимлайиб қўйди. Ота келинчакнинг халиям катта рўмолни ташламайги-на, дўппида юрганидан қувонди.

— Нимага қишлоққа бормадинглар? Одам хавотир олди, лекин.

— Шу, келаятган шанба кунни бормоқчи эдик.

Нимага деганда, бир-икки кун бўлди, стипенди-яларимизни олдик, — деди ўғил.

— Уйдан олиб келган пуллар тамом бўлди-ми?

— А, у аллақачон жойини топиб кетди. Бир-иккита ўртоқларимиз “Қуллук бўлсин”га келди.

Тўйга боролмаганларга ҳақ бердик. Ишқилиб, кетди-да.

— Ҳа, майли. Яхшиликка кетибди. — Ота шундай дея ёнидан бир даста пул чиқариб, дастурхон устига қўйди. — Қийналиб қолманглр. Ёш рўзгорига қўп нарсас керак бўлади.

— Ота... — ўғил хижолат торди.

— Ўзи биз боришимиз керак эди. Шунча йўлдан ҳориб келишнинг ҳам ўзи бўлмайди.

— Ҳали сен ҳам ота бўлгин, кўраимиз... Илоҳим, ўғил-қизларинг кўп бўлсин.

Ота-бола, келин узоқ гаплашиб ўтиришди. Отанинг болалари ҳаётдан кўнгли тўлиб, анча энгил тортиди. Икки ёшнинг гаплари, фикрларидан улар ҳам шаҳарлик бўлиб кетаятганини ҳис этди... Шундан кейин ҳам ўғил вақтида отасидан ха-бар олишга фурсат тополмас, илмий ва жамоат ишларидан бўйша олмас, ота эса уларни ўн-ўн беш кунда бир кўрмаса ториқиб, яна уй ёнига чиқиб йўл қараб бошларди... Ота шу таразда үч-тўрт кун қутар, ҳатто бир ҳафтагача уй ёнида интиқ ўтирар, охири бир неварасини олиб, пойтахтга йўл оларди. Йўл узоқ, кеҳсаллик эса ўз сўзини биларди. Ота энди ўғлининг уйига боргач, ётиб қоларди... Икки-уч кун хордик чиқаргач, яна қиш-лоғига қайтар, ўғил эса хижолатдан ерга киргудек бўларди.

— Ота, бундай қийналиб юрманг, ўзимиз борамиз...

— Э, менинг ўнта ўғлим бўлса экан, ҳали уникида, ҳали бункида юрсам. Соғинаман-да, лекин, болам. Мана, болаларинг одам бўляпти. Ҳадамай, бу кунлар сенинг ҳам бошингга тушади...

Орадан йиллар ўтди. Ўғил — энди сочларига оқ оралаган, фан доктори, ҳафтада ёш беш кунда бир аёли билан қишлоққа, ота уйига келди. Уйда қўп ҳам ўтиролмади, ота каби ториқиб, уй айланиб юради. Отаси қўй боққан, ўзи қўй хайдаган қирларга чиқиб, атрофини томоша қилади. Қир устидан туриб, онаси ишлаган пах-



ГУЛСАНАМ

Гулсанам, жон Гулсанам,
Гулга қараб қул, санам,
Гул жилваси сен билан,
Толемиз шул, санам.

Гулзор сенинг маконинг,
Сен қўшининг парчаси,
Рақиб келиб бир ёнда
Чўғдай ёнар ул санам.

Гуллар ичра аъл

ЗАМОН ҚАҲРАМОНИ ОРАМИЗДА



Театр шундай санъат турики, у ҳаминша замон билан ҳамқадам бўлишга интилади. Шу сабабли театр сахнаси кенг маънодаги давр кўзгусига айланиши учун жамият ҳаёти, унда яшайтган инсонлар тақдирини акс эттириши лозим. Яъни, замонавий мавзуга мурожаат қилиш учун, аввало, замон қаҳрамонининг бадний қиёфасини яратиш талаб этилади.

Президентимиз 2010 йили Бухоро шаҳрида бунёд этилган мусиқали драма театрининг очилиш маросимида таъкидлаганидек, биз сахнада кўришни истоган замон қаҳрамони бу шунчаки давримизнинг оддий воқелиги эмас. Унинг саҳнавий қиёфасини яратишда урфа айланган эски қолиплардан фойдаланиб бўлмайди. Зеро, бугунги кун қаҳрамони бизнинг замондошимиз, у ўзининг турмуш тарзи, орзу ва умидлари, қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, фидойилиги билан инсонларга ўрнак бўла оладиган, жамиятимизнинг илгор вакили бўлиши зарур.

Мустақиллик даврида яратилган имкониятлар туфайли замонавий мавзуга эътибор бериб келинаётган бўлса-да, афсуски, миллий театримиз фаолиятида том маънодаги воқеага айланган замон қаҳрамонларининг қиёфаси ҳанузгача бармоқ билан санарлидир. Албатта, мустақиллик йилларида театр жамоалари замон қаҳрамони образини яратиш бўйича мунтазам изланишлар олиб боришмоқда. Андижон Ёшлар ва болалар театрининг «Устаси Фаранг», Мухимий номидаги театрининг «Осмоннинг бағри кенг», Фаргона театрининг «Кўш кабутар», Сирдарё театрининг «Тўй», Жиззах театрининг «Бойқар», Сурхондарё театрининг «Улим халқаси» спектакллари шундан далolat беради. Аммо улардан биронтасини ҳам ҳали қутилган даражадаги асар деб айтиш қийин.

Асосий масалалардан бири театр санъатида замон қаҳрамони ҳамон баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётганидир. Шу кунгача на ижодкорлар, на санъатшунослар замон қаҳрамони ким, у қандай бўлиши керак, деган саволга аниқ-тиниқ жавоб беролмадилар. Кўп ҳолларда замон қаҳрамони тушунчаси замонавий мавзу билан қорштириб юборилади. Холбуки, замонавий мавзу ва замон қаҳрамони бошқа-бошқа тушунчалар. Бугунги кунда замон қаҳрамони энг долзарб муаммо бўлиб, уни теран тасаввур қилмай туриб, сахна санъатининг истиқболини белгилаш амри маҳол.

Хўш, замонавий қаҳрамон муаммосини ҳал қилиш учун йилма-йил «Керак» Бугун турли соҳаларда фаол меҳнат қилиб, ўз истеъдоди ва маҳорати билан юрт тараққиётига камарбаста бўлаётган фидойи, заҳматқаш инсонларнинг бадний қиёфасини яратиш, уларни кенг жамоатчиликка танитиш миллий маданиятимизнинг барча жабҳалари учун устувор вазифага айланган. Бу борада театр ижодкорлари ҳам жиддий изланишларга қўл урадиган вақт келди. Зеро, ҳар бир соҳа фаолиятининг мазмун-моҳиятига кўра ўзига хос қаҳрамонлар тоифасини тақлиф қилади. Яъни, ҳаётнинг ўзида соҳа қаҳрамонлари маълум жиҳатлари билан бир-биридан фарқлиб туради.

Аммо ҳаётда ҳам, санъатда ҳам давр қаҳрамонларини бирлаштириб турувчи умумий хусусиятлар мавжуд. Яъни, барча соҳа қаҳрамонларини Ватани чин юракдан севиш, эл-юрт, жамият манфаатини шахсий, оилавий манфаатлардан устун қуйиш, адолат ва

ҳақиқат учун кўксини қалқон қилиб кураш олиб бориш, юртимиз ободлиги, ҳар бир инсоннинг бахтли, тинч-осуда яшashi учун қўлидан келган яхши амалларни ишга солиш каби хислатлар бирлаштириб туради.

Шунингдек, театр ижодкорлари ижтимоий воқеликни яхши билиши, мамлакатимизда, фуқаролар онгида рўй бераётган туб ўзгаришларни англаши, миллий ўзига хослик фақат халқимиз турмуш тарзини, урф-одатларини тўғри акс эттиришига эмас, айтиш чоғда фуқароларнинг миллий туйғуларни, тафаккури, кечинмалари, изтироблари, ўзаро муносабатлари, орзу ва интилишларининг теран ифодаси эканини тушуниб, шунга яраша тасвир услублари ва воситаларини топишлари лозим.

Мулоҳаза

Қолаверса, замонавий қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини ишонarli ва таъсирли акс эттириш кўп жиҳатдан конфликтни янгилаш, ҳаётдаги мураккаб қилиб қуришга боғлиқ эканини тушуниш зарур. Замон қаҳрамони образини мураккаб тарзда гавдалантириш учун уни зиддиятли, чигал ҳаётини коллизиялар ичидан олиб ўтиш, ички кечинмалари, руҳий изтиробларини, тотли ва фожиали дамларини тасвирлаш, яъни қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан курашини (иқчиланиши, баъзан чекиниш каби) ҳам кўрсатиш ижодкорнинг вазифасидир.

Конфликтни қуриш ҳамда қаҳрамон қиёфасини гавдалантиришда театр санъатимизда бир замонлар яхши ривожланган ва кейинчалик реалистик (ҳаётда қандай бўлса, шундай) ижро таъсирида унутилиш даражасига тушиб қолган қаҳрамонна-романтик ижро услубини ишга солиш, яъни Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Асад Исматов, Маҳмуджон Гафуров каби санъаткорлар қўллаган ижро услубларини тиклаш ҳам яхши натижа беради.

Шунингдек, замон қаҳрамони — бу тамоман янги, жиддий ҳодиса эканини, уни илгариги шўро мафқурасини ташувчи ижобий қаҳрамонга қиёс қилиб бўлмастлигини тушуниш керак. Шу боис замон қаҳрамони образини кўрсатиш жиддий ёндашувни талаб қилади. Янги демократик жамият қуриш йўлида фидокорона меҳнат қилган фуқаролар орасида ёшлар кўпчилигини ташкил этаётганини ҳисобга олиб, уларни сахна асарлари қаҳрамонларига айлантириш, шу тоифа қаҳрамонлар табиатини, эзгу мақсадларини, интилишларини ҳаққоний кўрсатиш учун уларнинг тенгдошлари бўлган ёш драматургларни бу ишга жалб этиш, шу мақсадда семинарлар, танловлар, фестиваллар ўтказиш айтиш мумкин. Ватан тинчлиги ва фаровонлиги учун ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган чинакам қаҳрамонларни сахна асарлари қаҳрамонларига айлантириш, шу йўлда тинимсиз изланишлар олиб бориш ҳар бир ижодкор олдида турган шарафли вазифадир.



Мухсин КОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти совриндори

Сахрода ҳеч булбулни учратганмисиз? Санъатшунос олимлар Қорақалпоғистондан чиққан хонанда-ҳофизларга «Сахродаги булбулар» дея таъриф беришган. Ҳар бирининг ўз услуби, ўз йўналиши ва муҳлиси бўлган бунадай хонандалар орасида Ўзбекистон халқ артисти Мирзагул Сапаеванинг алоҳида ўрни бор. Санъаткор билан суҳбатимиз унинг ижоди ва театр санъатининг бугуни хусусида бўлди.

— Мирзагул опа, санъатнинг нонини ейиш учун темирдан тиш керак, дейишади. Кимдир сулоласини давом эттириш учун, кимдир тақдир тақозоси билан, яна биров қизиқиши ортисидан санъат оламига кириб келади. Сизда ушбу соҳага қизиқиш қандай пайдо бўлган?

— Болалигимда отам ишдан чарчаб келганида машҳур бахшиларнинг дostonларини кўп эшитардим. Мен бу ашулаларнинг маъно-маъзига етиб бормасам ҳам жон қулгим билан тинглардим. Улғайганим сайин бу оҳанглар мени ўзига оҳанрабодек тарзда бошлади. Шу тарзда ич-ичимда қуйлашга эҳтиёж пайдо бўлди. Бора-бора бу эҳтиёж орзуга айланиб, санъаткор бўлишни ният қилдим. Яқинларим хонанда бўлиш ҳақидаги танловини қўлаб-қувватлагач, санъат соҳасида бўладиган турли танлов ва фестивалларда қатнашиб, анча танилиб қолдим.

Учрашув

Ташкентда ўтган бир фестивалда ҳайъат аъзолари орасида санъат ва маданият институти ўқитувчилари бор экан. Улар пойтахтда қолиб ўқишга таклиф қилишган. Уша йили институтда қорақалпоқ мусиқали драма факультети очилди, мен унинг илк талабаларидан бири бўлганман.

— Сахнага илк қадам қўйган вақтингизни эслайсизми? Театрдаги фаолиятингизда сизга сабоқ бўлган ва бир умр ёдингизда қолган воқеаларини-чи?

— Сахнага дастлабки қадамларим кўшиқ билан бошланган. Талабалик йилларимда бир неча спектаклларда рол ижро этганман. Бердақ номидаги мусиқали театр сахнасига илк бор устозим, Ўзбекистон халқ артисти Сапаргул Авезова билан бирга чиққанман. Ушанда «Ошиқ Фароб» спектаклида Шохсанам образига танлов ўтказилиб, менинг ижром маъқул келган. Спектаклда Шохсанамнинг онасига қарата нола чекиб қуйлаш сахна соҳи эди. Мен кўшиқни онам — устозимга қарата қуйлаётим, ҳўшимдан кетиб қолганман. Аслида асарда бунақа эпизод бўлма-са-да, актёрлар буни табиийдек қабул қилиб, муҳлисларга сездирай мени сахна ортига олиб ўтишган. Ушанда Сапаргул Авезова «Сен ролингни кутганимдан ҳам аъло даражада ижро этдинг. Ижрога кўзим текканидан ҳўшингдан кетиб қолдинг», деб айтганди. Бир неча кундан сўнг «Эркин Қорақалпоғистон» газетасида «Ошиқ Фароб» тикланди» номли мақола чоп этилган. Шундан сўнг устозим оқ фотиҳа бериб, фаолиятим эшикларни кенг очилган.

Шу театр сахнасида қўйилган асарият спектаклларида бош ролларни ижро этиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлдим. Меҳнатларим ҳукуматимиз томонидан эътироф этилиб, Қорақалпоғистон

ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонлари билан тақдирландим. Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги арафасида эса «Ўзбекистон халқ артисти» деган юксак унвонга мушарраф бўлдим.

— Сиз актрисалиқдан ташқари, хонанда сифатида кўшиқларни маромига етказиб қуйлайсиз. Қолаверса, бир қатор филмларда етакчи образларни маромига етказиб ижро этгансиз. Яқинда намойиш этилиб, кўпчиликнинг меҳрини қозонишга улгурган «Меҳригё» филмида яратган Ойпарча образингиз бунинг далилидир. Айтинг-чи, бу санъат турларидан қай бирида ижод қилиш сизга кўпроқ завқ бағишлайди?

— Театрдаги фаолиятим билан хонандалик эт билан тирноқдек гап. Мусиқали драма театри актрисалари ҳар иккиси-



институтининг Нукусдаги филиалида актёрлик маҳорати ва режиссёрлик санъатидан дарс беради. Икки ўғил, бир қизимиз бор. Тўнғич фарзандим иқтисодчи. Қизим Камолдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида санъатшунослик йўналиши бўйича магистратурада таҳсил оляпти. Кенжа ўғлим шахримизда қатъий санъат қоллежидеда чолғучилик йўналишида ўқияпти. Тўғри, ишимизни деб фарзандларга кам вақт ажратган вақтимиз ҳам бўлган. Бироқ улар шу муҳитда туғилиб ўсгани учун бизни тушунишади. Ота-онасидаги санъатга бўлган меҳр,

хурмат ва эътиборни фарзандларда ҳам кўриш қувонarli, албатта.

— Ҳаёт, санъат ва йиллар синовидан ўтиб, катта тажриба тўпландингиз. Бугун ана шу тажрибаларингизни фақат сахнадошларингиз билан эмас, талабалар билан ҳам баҳам кўряпсиз. Камолот палласида турган санъаткор сифатида ёш истеъдод эгаларига қандай маслаҳатларингиз бор?

— Санъаткор сифатида бахтим шундаки, ўзим истаган барча ролларни ижро этишга мушарраф бўлдим. Ҳозирги кунда сахнада она, қайнона ролларини ижро этишман. Мен билан партнёр бўлиб ишлаётган актёр ва актрисаларга қўлдан келганча маслаҳат бериш билан бирга, улардан ўрганман ҳам. Чунки бугунги ёшлар дунёни таниган, дунёқарши ниҳоятда кенг, қатъийлик билан мақсад сари интилувчан авлод.

Санъат ва маданият институтининг Нукус филиалида ўқийётган талабалар ҳам худди шундай хислатли ёшлар. Уларга, аввало, сабр-бардошли ва шижоатли бўлишни маслаҳат бериш бўлардим. Санъат ва маданиятимизни асл ҳолича авлодларга етказишда фидойи бўлишларини хоҳлайман.

Ҳар бир ёш ўзининг, оиласининг, Ватанининг шаънини ўйлаши, ҳою ҳавасларга берилмаслиги, ўтиб кетган машҳур санъаткорларимиз руҳини шод этиш учун тинмай изланиши керак. Ҳаракатда гап кўп. Машҳурликка ошмаксаддан, кунт билан изланган инсон, албатта, катта ютуқларга эришади.

Меҳригёё БОЗОРОВА суҳбатлашди.

Лара Фабиан Тошкентда

Лара Фабиан бугун дунёдаги энг машҳур аёл хонандалардан бири сифатида шуҳрат қозонган. Унинг романтик мавзудаги кўшиқларини нафақат Европа, балки Осие мамлакатларида ҳам севиб тинглашади. Ўз кўшиқларини асосан француз тилида қуйловчи хонанда гўзал пойтахтимиз Тошкентда ҳам концерт дастурини тақдим этишни ният қилган.

«Style.uz» санъат ҳафталиги доирасида ташриф буюриши кутилаётган Лара Фабиан илк бора юртимиз санъат ихлосмандлари билан учрашиш имконига эга бўлади. Машҳур хонанда дастлаб 27 октябрда санъат ҳафталигининг тантанали ёпилиш маросимида сахнага чиқади. Шундан сўнг Лара пойтахтимизда яккахон концерт дастурини ўтказишни режалаштирган. Ушбу тадбирдан тушган маблағ хайрия мақсадида ишлатилади.

Пушти жавоҳир

Дунёдаги энг катта пушти ранг олмос — «Pink Star» сотувга қўйилиши расман эълон қилинди. Ушбу ноёб жавоҳирнинг янги соҳиб-и 13 ноябрда Женевада бўлиб ўтадиган «Sotheby's» аукциониде маълум бўлади. Қарий олти миш карат оғирликка эга бўлган «Pink Star» олмоси илк бора 2003 йил Монакодаги кўргазмада намойиш этилганди. Ушанда кўргазма иштирокчиларини ҳайратга солган пушти жавоҳир ҳақиқий санъат асари сифатида баҳоланган. 2007 йилдан буён эса «Pink Star» шахсий коллекциялардан бирида сақланаётганди. «Bloomberg» агентлиги маълумот беришича, ноёб олмоснинг нархи олти миш миллион долларни ташкил қилиши мумкин. Агар бу

Етти ранг

тахмин ўзини оқласа, «Pink Star» аукционда энг юқори баҳога сотилган қимматбаҳо тошга айланади. Ҳозирча, бу борадаги рекорд 24,78 каратли «Graff Pink» олмосига тегишли. 2010 йили ўтказилган «Sotheby's» аукционда мазкур олмос 46,2 миллион долларга баҳоланган.

Робокон шахар рамзига айланади

АҚШнинг Детройт шаҳрида Голливуднинг машҳур фантастик қаҳрамонларидан бири Робоконга бағишланган бронза ҳайкал пайдо бўлиши мумкин. «The Hollywood Reporter» нашрининг маълумот беришича, ҳайкални яратиш ишлари 2011 йилдаёқ бошланган. Лойиҳа «Робокон» филми муҳлисларидан тузилган жамоа томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга ошириш учун олти миш етти минг доллар сарфланди.

Албатта, Робокон ҳайкалини айнан Детройтда ўрнатиш режалаштирилаггани тасдиқ эмас. Маълумки, Детройт машинасозлик саноатининг энг йирик марказларидан бири ҳисобланади. Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, фан-техниканинг юксак ютуқларини ифодаловчи Робокон шахарнинг кенг маънодаги рамзига айланиши лозим. Айни пайтда ҳайкални қуйиш ишлари давом этаётган бўлиб, ушбу жараёнга «Venus Bronze Works» компанияси бошчилик қилмоқда. Ҳайкалнинг тақдимот маросими 2014 йилнинг ёзида, «Робокон» филмининг янги талқини кино экранларига чиққанидан сўнг ўтказилади.

Пикассо асарлари сотувга

Санъат асарлари савдоси билан шуғулланувчи таниқли мутахассис Ян Крожьега тегишли коллекция «Christie's» аукционидан жой олиши маълум бўлди. Сотувга қўйилган бир юз элликка яқин асарлар орасида, айниқса, кубизм йўналиши асосчиларидан бири Пабло Пикассо ижод намуналари муҳлисларда қизиқиш уйғотмоқда.

Узоқ йиллар давомида Пикассо асарларининг хусусий жамламаси вакили сифатида фаолият юритган Ян Крожье шахсий коллекциясида бир қатор ноёб асарларни тўплашга эришган. Хусусан, «Christie's» аукционидан ўрин олиши кутилаётган Пикассонинг ўттиздан ошак асарлари орасида Чикаго шаҳрида ўрнатилган аёл боши кўринишидаги ўн тўққиз метрли ҳайкалининг нусхаси ҳам бор. Мутахассислар ушбу ижод намунасини ўттиз беш миллион долларга баҳолашмоқда. Шунингдек, Крожье коллекциясида сақланиб келаётган Василий Кандинский, Альберто Жакометти, Жан-Мишель Баския каби таниқли мўйқалам соҳибларнинг асарлари ҳам сотувга қўйилиши кутилмоқда. Аукциондан ўрин оладиган асарларнинг умумий нархи бир юз етмиш миллион долларга баҳоланган.

Хитой киноси юксалишда

Хитой киносининг технологик имкониятлари тез орада Голливудни ҳам ортда қолдириши мумкин. Мамлакатдаги энг йирик ишбилармонлардан бири Ванг Жианлин хитой киносини ривожлантириш учун саккиз миллиард доллар сармоа киритишни мақсад қилган. «NY Times» нашрининг хабарига кўра мазкур маблағ «Oriental Movie Metropolis» номини олган улкан санъат мажмуасини барпо этиш учун сарфланади. «Oriental Movie Metropolis»да жами йигирма тунга суратга олиш майдонини қуриш режалаштирилган бўлиб, мажмуада сув остидеги суратга олиш ишлари учун мўлжалланган дунёдаги

биринчи павилион ҳам бунёд этилади. Бундан ташқари, мажмуа ўз ичиде кўргазма зали, истироҳат боғи, меҳмонхона ва дўконларни ҳам қамраб олади. «Oriental Movie Metropolis»да ҳатто уч юзта кемага мўлжалланган катта бандаргоҳ барпо этиш ҳам режалаштирилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, мажмуани қуриш ишлари 2017 йилда якунига етиши лозим.

Актёр ва рассом

Таниқли Голливуд актёри Силвестер Сталлоне эндиликда рассом сифатида ҳам шухрат қозониши мумкин. Швейцариянинг Санкт-Мориц шаҳрида олти миш беш ёшни қаршилаш арафасидаги актёр ўз асарларининг дастлабки кўргазмасини ташкил қилди. Тўғри, бугун Голливуд ижодкорлари орасида санъатнинг турли соҳалари билан шуғулланиш урфа айланган. Бироқ Сталлоненинг таъкидлашича, у сурат чизишни ўсмирлик чоғидеёқ бошлаган. Кейинчалик моддий сабаблар туфайли рассомликни ташлаб, актёрлик билан шуғулланишга мажбур бўлди. Утган асрининг саксонинчи йилларида Сталлоне яна қўлига мўйқалам олишга қарор қилади. Эътиборли жиҳати, актёр шу кунга қадар рассомлик билан шуғулланиши муҳлислардан сир тутиб келган.

Кўргазмада Сталлоне яратган ўттизга яқин асарлар намойиш этилаётган бўлиб, уларнинг аксарият қисми эркин жанрда яратилган. Мутахассисларнинг фикрича, актёр асарлари услуб жиҳатдан абстракт экспрессионизм йўналишига яқин. Уларда, айниқса, ёрқин ранглардан кенг фойдаланилган. Шунингдек, Сталлоне картиналари рангларга бойлиги ва катта ҳажми билан ҳам эътиборни жалб этади.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

КУЗНИНГ ОЛТИН ЖИЛОСИ

Ўзбекистон Бадний академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимида «Олтин куз» деб номланган кўргазма очилди.

Унда қорақалпоғистонлик 18 мўйқалам соҳибининг олти мишдан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда. Таниқли мусаввир, академик Ж.Изентаевнинг «Қовоқли натюрморт», «Қумғон билан натюрморт», Б.Серекевнинг «Мевалар ва гуллар»,



«Кунгабоқар билан натюрморт», С.Қутлимуратовнинг «Чўлдаги гаврак гули», А.Ражабовнинг «Натюрморт», С.Бойбўсиновнинг «Куз гуллари», «Балиқлар», Б.Тажмуратовнинг «Тўлар» картиналари, айниқса, кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди. Кўргазмадан жой олган ёш рассомлар ижоди ҳам санъатсеварларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хамма жойда ва хамма замонларда бўлганидек гавжум бозор эди. Кенг саҳндаги устунларнинг бирига елка бериб ўтирадиган тиланчи чолга ҳам ҳамишагидек кўпчилик эътибор бермас, кўнглига келгани бир-икки чақа ташлар, чолнинг "Одам бўл" деган бўғиқ хитоби-га парво қилишмасди. Чол эса бошқаларга ўхшаб узун-юлуқ дуо қилмас, ўткинчиларга ялиниб-ёлвормас, аксинча, ўнгиб кетган дўпписини олди-га қўйганча жим ўтирарди. Бозорда кўпдан буён савдо қилувчи йигит бўлиб, у ҳам чолга кўникиб қолган, ахён-ахён унга садақа бериб ўтарди. Кунларнинг бирида кўнглига келган савол ўзига қизиқ туюлди ва йигит чол томонга йўл олди. Чол доимгидек ним табассум билан маюс қиёфада ўтирарди. Йигит унинг дўпписига танга ташлади ва одадий сўзларни эшитди: одам бўл! Чол хатто йигитнинг юзига бош кўтариб қарамади ҳам. Шунда йигит унинг қаршисига чўккалаб ўтирди ва қариянинг юзига сер солди. Чол-

нинг қисик, аммо ўткир кўзлари ялтиллаб кетгандай туюлди. Улар бир-бирига тикилиб қолишди. Йигит қизиксиниб, чол бепарво.

Қатра

— Нега сиз бошқаларга ўхшаб гапирмайсиз, дуою илтижо қилмайсиз? — чолдан сўради йигит.

Чол атрофга олазарак назар солди ва тагин қаршисидидаги йигитга жилмайиб боқди. Унинг сийратидидаги аллақандай нурли истарра йигитни кутилмаганда эсанкиратиб қўйди ва беихтиёр ўрнидан кўзгалмоқчи бўлди. Шунда чол ердаги дўпписини қўлига олиб тангаларини ерга тўқди. Дўппини ушлаб, йигит қисик кўзларини ўқдай қадаб деди:

— Буни жирканмасдан, ихлос билан кий!

Йигит унинг айтганини қилиб, дўппини бошига кияркан шу заҳоти ёнгинасида ниманингдир ириллаган товушини эшитди. Илкис ўрнидан туриб қараганда ириллаган нарса каттакон кулранг бўри эканини ва жондорнинг бамайили-

хотир бозор оралаб кетаётганини кўрди. Бу гаройиб ҳолдан ажабланиб турган йигитнинг кўзлари не ажабки, кўзойнақ таққан, димоғдор улкан илонга тушди. Илон худди одам каби эмин-эркин вишиллаб бозор ораларди. Бу морнинг изида эса чиройли сават тишлаб, ақил-

турди. Бурилган эди бошидан дўпписи учиб тушди. Чол тигли асо билан унинг тиззасига туртаётган эди. Чол тангаларини ердан олиб тагин дўпписига соларди. Йигит унга тиз чўкиб ёлвора бошлади.

— Мен кимман, одамманми-йўқми, айтиб беринг?

Чол жавоб бермади. Йигит унинг жимлигини ўзича тушунди ва дўппига яна танга ташлади. Мўйсафид эса тагин: "Одам бўл!" деб хитоб қилди. Йигит энди кўзига ёш келганини ўзи ҳам илғамай гапта тушди.

— Жон ота, бир оғиз айтинг, менинг кимлигимни. Мен шуни билайин, сизни уйимга олиб кетиб ардоқлаб юраман, ўз отамдай кўраман...

— Одам бўл, одам бўл, одам бўл... — чол башка жавоб қилмади.

... Бугун бозордаги дошизманд қария ҳам йўқ, унинг синоатига гувоҳ йигит ҳам. Аммо ўша ҳақиқатнинг мантифи ҳамон амалда. Шундай эмасми?

Шодмонкул САЛОМ

ОДАМ БЎЛ

лаб бораётган итни ҳам кўрди савдогар йигит. Унинг бироз кўркүв ва хавотирга тўла хайрати баттар ошган эди.

... новот тарозилаётган тошбақани, ун сотаётган майна қушни, "Кеб қолинг, бахтингизни синаб кўринг" деб қичқираётган тулкини, ўроқ ясаб ўтирган темирчи йўлбарсни, унинг олдида қоп елкалаб тик турган қўйни, очикроқ жойда тамаки тортиб турган бир жуфт каламушни ва яқкам-дуккам одамларни ҳам кўрди савдогар йигит...

Шу пайт унинг тиззасида қаттиқ оғриқ

Тошкентдаги 71-мактабгача таълим муассасаси болалар театри қатнашчилари Нигора Хайруллаева ва Лазоқат Собирова.



М.АМИН (ЎЗА) олган сурат.

Ўзим ўқийман

Пешвоз чиққан отам бўлиб,
Уриб турган юрагимсан.

Майин шамол эсган кези,
Сеядан келар Ватан исси.
Шаҳзоданман — Мурод қизи,
Юртимнинг бир бўлагисан.

Кучугим бор...

Кучугим бор бир ойлик,
Бегонага хурди.
Ўзи жуда чиройлик,
Алшон-талпон юради.

Жўшиб кетса гайрати,
Чуқурчалар қовлайди.
Шервачадек савлати,
Ҳовлимизни пойлайди.

Қўриб ётар эшикни,
Боғни қушга талатмас.
Энди ўғри мушукни,
Ошхонага йўлатмас.

Шаҳзода АБДУЛЛАЕВА

ТЕРАГИМСАН

Боғимизнинг кўрки бўлган,
Кўкка етган терагимсан.
Шамолларга кўкрак келган,
Ишончимсан, тиргагимсан.

Узоқдан ҳам кўринсан,
Сўзлашмоққа уринсан.
Меҳринг менга ялисан,
Онамдайин керагимсан.

Олис кетсам рангинг сўлиб,
Қайтар бўлсам пурга тўлиб,

"ЭРКИН ВОҲИДОВ БИР КУНИ..."

Ёзувчи Шодмон Отабекнинг "CHASHMA PRINT" нашриётида чоп этилган навбатдаги китоби шундай номланади. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шoirи Эркин Воҳидов ижодий фаолиятининг муҳим саналари қайдномаси билан бошланган маъруза китобчада атоқли шоиримизнинг гаройиб ҳазиллари, бетакрор мўлжалга бехато урувчи ажайиб луфтлари, нозик, теран қочиримлари қаламга олинган. Муаллиф китоб сўзбошисидега ёзгандек, "Истеъдодли одам қандай юмушга қўл урмасин, ҳар қандай ишни қойилмақом қилиб урда-лайди. Шу боис кўпчилик истеъдодли ижодкорларда юмор ҳисси, ҳазил-мутойибага мойиллик кучли бўлади. Эркин Воҳидов ижодидега ҳам ҳажвийёт муҳим ўрин тутди. Унинг асар-



ларида тағдор юмор бор. Афсуски, шоир истеъдодининг бу ноёб қирраси ҳали ўз баҳосини олганича йўқ... Томири ушқачқачқ аскиялар, бетакрор, серзавқ қочиримлар водийси Фарғонага туташ Эркин Воҳидов ҳаётда ҳазил-мутойибага мойил, ўзи ҳам ҳазилкаш, қувноқ одам".

Китобнинг "Кунлардан бир кун...", "Ҳазил шёрлар", "Ҳазилга

Доимий ҳамроҳ

жавоб" каби бобларида берилган ҳазил-мутойибалар, "Пародия", "Дўстлик", "Телеграмма" ва бошқа ҳангомалар қизиқиб билан ўқилади, деб ўйлаймиз. Рангли иллюстрациялар билан саҳифаланган китоб матни кирил ва лотин ёзувида асосланган имлоларда чоп қилинган унинг ўқувчилари доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Китоб муҳаррири Ашуралӣ Жўраев.

"ТОМЧИЛАРДА ҲАЁТНИНГ МАҒЗИ"

Боғбон шоир ва адиб Фани Абдуллаевнинг болаларга бағишланган шёрлари, шингил ҳикоялари ёш китобхонларга яхши маълум. Яқинда "Сано стандарт" нашриётида адибнинг "Томчиларда ҳаётнинг мағзи" деб номланган насрий китоби босилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов китобга ёзган сўз бошида таъкидлаганидек, адибнинг қатра ҳикояларида ер хиди уфуриб туради. Ёзувчи уларни ичидан тўқиб чиқарган эмас, ҳаётнинг ўзидан олган. Улардаги энг муҳим жиҳат — самимийлик. Бу ҳикояларни ўқиганда қалбингизда она табиатга илқ муҳаббат уйғонади.

Таниқли шоир Йўлдош Эшбекнинг китоб охирида берилган "Сермева ижод" сарлавҳали дил сўзида қуйидаги

эътирофлар айтилган: "Ҳалол риққ учун фақат боғбон ёки чорвадор бўлиш шарт эмас. Лекин ўз қўлингдан чиққанга нима етсин. Чойнакдай ноқлар, пиёладай олма, тилладай ўриқлар товланиб меҳнатингиз намоеъ этиб олам-олам завқ бағишла-са... Ва бу завқ-шавқ, сурур ва илҳом оғушида шёрлар, ҳикоялар ёзилса. Набираларингизга ўз қўлингиздан чиққан серқаймоқ сутлар лаззат берганидек, қувноқ бахш этса... Абдуғани аканинг шёрлари, ҳикоялари, қатралари барча учун баробар".

Китобнинг биринчи бобида қатра ҳикоялар, иккинчи бобида эса шёрлар жамланган. Улар ёш китобхонларда она табиатга меҳр-муҳаббат уйғотади, айна чоғда барчани ҳалол ва пок инсонлар бўлиб етишишга даъват этади.

Китоб маъсул муҳаррири филология фанлари номзоди Абдумурод Тилавов.



МИЛЛИЙ САҲЪАТ УСТАЛАРИ

Миллий саҳъат марказида очилган "Тикланиш йўлида" номли кўرғазма нафақат катталарнинг, балки кичиктойларнинг ҳам саҳъат байрамига айланди. Хунарманд Насиба Аҳмедова яратган турли қиёфадаги саксондан ортиқ миллий кўғирчоқлар томошабинларда катта қизиқиб уйғотди. Насиба Аҳмедова аслида либослар дизайнери. У халқимизнинг тарихий ва этнографик кийимларини ўрганиш жараёнида мамлакатимизнинг барча вилоятлари либослари акс этган миллий кўғирчоқлар тўпламини яратди. Унинг келин-куёвлар, чойхонадаги отахонлар, алла айтаётган она, сотувчилар, қаландарлар, тарихий жангчилар, ясовуллар,

баковуллар ва рақосалар каби кўғирчоқлари хатто хорихлик меҳмонларни ҳам бефарқ қолдирмади.

— Кўғирчоқлар ясаб бошлаганимизга ўн йил бўлди, — дейди Насиба. — Мен бу кўғирчоқларни яратиш олди-дан тарихий китобларни ўқиб чиқаман, барча вилоятлардан ўн тўққизинчи асрга доир мато ва тақинчоқлар сотиб оламан. Тарихий қаҳрамонларнинг образлари устидега излашлар олиб бормоқдаман.

Кўрғазма доирасида хоразмлик Дилфуза Кўчқорова гиламлари намоиши ҳам бўлиб ўтди.

У бувиси Аноржон момо ва онаси Момогул опадан гилам тўқиш сирларини ўргана бошлаганида ўн икки ёшда эди. Ҳозир Тошкентнинг Зангиота туманидаги



Алексе́й ПОПОВ олган сурат.

устахонада ёшларга гилам тўқиш сирларини ўргатмоқда. Унинг "Гулнор", "Кўчқоршоҳ", "Хива", "Такагул", "Капалак" каби гиламларида қадимий ва замонавий услублар уйғунлашган. Табиий ўсимликлардан тайёрланган бўёқлар эса унинг гиламларига улғуворлик ва нафислик бағишлади.

Кўрғазма миллий анъаналарга бой асарлари билан томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Пойтахтимиздаги Халқаро Маданият қарвон саройида корейлик рассомлар кўрғазмаси очилди. Унда Корей профессионал рассомлар ассоциациясининг ўн бир нафар

Кўрғазма залларида

аъзолари яратган ошмишдан ортиқ рангтаъсир илмлари намоиш этилмоқда. Ассоциация бундай кўрғазмаларни ҳар йили турли мамлакатларда ташкил этмоқда. Катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, миллий либослар, корей ёзуви тузилишига сўғд ёзувининг таъсири, айрим номлардаги ўхшашлик корей ва ўзбек халқларини янада яқинлаштиради. Корей табиати манзаралари, натюрморлар, Осиёнинг ҳайвонот дунёси таъсирларини ёрқин рангларга бой композицияларда кўриш мумкин. Корейлик рассомлар кўрғазма доирасида Ўзбекистоннинг машҳур тарихий қадамжоларини зиёрат қилишди.

Сарвара ҚОСИМОВА



Дунё — кенг...

ЕРНИНГ ЯДРОСИ

ҳар томонга қараб ҳаракатланадими?

Уч йўл йилдан буён олимларни ўйлантириб келаётган муаммага ечим топилди. Гап шундаки, коинот бағридаги кометалардан бирини кашф этган, сўнгра шу осмон жисмига номи берилган астроном Эдмунд Галлей 1692 йилдаёқ сайёрамиз яқрида металл ядро бор, деганди. Олимнинг бундай хулосага келишига Ернинг магнит майдони борлиги ва у ғарбий йўналиш бўйича силжиши туртки берган. Бироқ у пайтларда Галлей бунга тош босадиган бирор далил билан исбот қила олмаган. Лидс университети олимлари эса, исботлашга муваффақ бўлишди. Айни чоғда олимлар Ернинг чуқур қатламларида юз берадиган механик жараёнларга ҳам тўла-тўқис ойдинлик киритишганга ўхшайди. Тадқиқот муаллифлари фикрича, сайёрамизнинг иккита ядроси бор: қоқ марказда қаттиқ темир ядро, яъни ички ядро жойлашган бўлиб, уни эриган темирдан ташкил топган суяқ ҳолатдаги ядро ўраб туради. Ҳар иккала ядро ҳам айланади. Бироқ бу айланишнинг моҳияти жуда мураккаб.

Ички қаттиқ ядро ғарбдан шарққа қараб, Ер билан бир йўналишда айланади. Бироқ Ердан кўра тезроқ айланади. Ички қаттиқ ядро сайёранинг юзасига нисбатан ўз айланишини бир сонанинг учдан икки қисми баробарида, яъни тезроқ яқунлайди. Шунга мувофиқ тарзда ички ядро ер юзасига нисбатан доимий равишда силжийди. Ташқи суяқ ядро эса, бошқа йўналишда айланади. Яъни шарқдан ғарбга томон айланади.

Колумбия университети олимлари биринчи бўлиб Ер ядролари айланишидаги ғайриоддийликни пайқадилар. Буюк британиялик олимлар эса ўз ҳамкасблари нуқтаи назари бўйича таҳлил ўтказиб, кейинги 50 йилдаги сеймик тўлқинларга доир маълумотлардан фойдаландилар. Моделлаштириш Швейцариядаги федерал технология институти ҳузуридаги геофизика институти супер-компьютери ёрдамида амалга оширилди.

Буюк британиялик геофизиклар раҳбари Ф.Лайвморнинг таъкидлашича, ички қаттиқ ядрога Ернинг магнит майдони таъсир кўрсатади ва унинг ҳаракатини тезлатади. Ташқи ядро бунга қаршилик кўрсатади. Ҳосил бўлган акс таъсир кучи эса, уни яна бошқа томонга қараб суради. Гоҳида бу ҳол қутилмаган тарзда ўзгариб қолади. Бу эса биосферага муайян даражада хавф туғдириши мумкин. Ҳозиргидек вазият ҳар доим ҳам бўлмаган. Ернинг магнит майдони ўз муҳрини қолдирадиган тоғ жинсларини ўрганган олимлар 3 минг йиллар бурун Ернинг ядролари бошқа томонларга: ички ядро шарқдан ғарбга қараб, ташқи ядро эса ғарбдан шарққа қараб айланишига эътибор қаратдилар. Ернинг магнит майдонлари ҳам ҳозирги қараганда қарама-қарши томонларга силжиши. Бахтимизга бу ҳол глобал даражадаги катаклизмларни келтириб чиқармаган. Ҳар ҳолда ўтмишда салбий ҳолатлар учрагани қайд этилмаган.

ЭХТИМОЛ, Ер қаёрида юз берадиган жараёнлар инсониятга у қадар кучли таъсир кўрсатмас. Бироқ магнит майдони таъсирсиз Ердаги ҳаёт ҳозиргидек ёқимли бўлмасди. Негаки, магнит майдони коинот ва қўшиқнинг ҳалокат келтирувчи нурланшларидан бизни ҳимоя қилади.

Ой 100 миллион йилга яшарди

Ой заминидан олинган намуналарнинг яқиндаги таҳлили шуни кўрсатдики, Ернинг бу йўлдоши аввал тахмин қилинганидан 100 миллион йил ёшроқ экан. Apollo 16 фазовий кемасида Ойдан олиб келинган намуналар олимларни аввалги ҳисоб-китобларни қайта кўриб чиқишга мажбур этди. Бугунга қадар эса, қуйидаги назария оммалашган эди: Ой Кўёш системаси шаклланиши яқунлангандан сўнгра анча ёш бўлган Ер сайёрасининг катталиги Марсдек Тейя номли фазовий жисм билан тўқнашувни оқибатида пайдо бўлган. Тўқнашувнинг кучли зарбасидан эриб, Ҳар ёққа сочилиб кетган бўлақлар муайян муддат ўтган қотиб, Ой заминида бириккан. Ой сатҳининг совуши натижасида магма қатлами қотиб, турли минералларга айланган. Нисбатан энгил бўлақлар Ой юзасидаги қатламларни ҳосил қилган. Бироқ Nature журналда ёзилишича, Ой намуналарини яқиндан таҳлилдан ўтказган данийлик олимлар унинг ёшини 100 миллион йилга "яшартириш"ди. Ойдан олинган намуналар қирқ йил муқаддам, 1972 йили Ерга олиб келинган. Унинг ёшини Кюпенгаген университетининг Жеймс Конелли раҳбарлигидаги юлдузлар ва сайёралар пайдо бўлишини ўрганиш маркази олимлари қайта ҳисоблаб чиқишди. Улар Ой сатҳининг эски юза қатламиндан бир намунани янги услубда, юқори аниқликда ишлайдиган ускуналар ёрдамида таҳлил қилиб кўришиб, Ой 4,46 млрд. йил аввал эмас, балки 4,36 млрд. йил муқаддам ҳосил бўлган, деган хулосага келишди.

— Ой сатҳи намуналари Ерга олиб туширилгандан сўнгра НАСАнинг Жонсон номидаги марказида ишончли тарада сақланганига қарамай уларни янги услубларни қўллаб Ерга қўнган чанг-ғуборлардан бутунлай тозалаб чиқдик, — дейди Жеймс Конелли. — Шундан сўнгра ўтказилган тадқиқотлар Ойнинг ёши шу чоққача белгилаб келинганидан деярли 100 миллион йилга ёш эканини кўрсатди.

Дераза ромларига кўёш батареяси

Лос-Анжелесдаги Калифорния университети муҳандислари дераза ромларига ўрнатиладиган кўёш батареяларини яратишди. Ўзидан ёруғлик ўтказадиган фотоэлементлар инфрақизил диапазондаги нурларни тўплаб, унинг 7 фоизини электр энергиясига айлантиради. Икки қаватли нафис полимерлар ораллигидаги қатламда ҳосил бўлган электр қуввати у қадар катта бўлмаса-да, муайян эҳтиёжлар учун асқотади.

Интернет хабарларидан.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАЪБУТ ТАРКАТУВИ" АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилми: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилми: uzas@mc.s.uz
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ



Таҳририятга келган қўёғма-лар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Маъсул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбоса акциядорлик компанияси бошқармаси.

Бошқарма манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.48

ЎЗМА КУНАЛРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2383-634X



Ғаввата Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4334 Буторта Г — 1044. Ҳақми — 3 Босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5